QONUNCHILIK VA HUQUQ-TARTIBOT UCHUN

# POSTDA

GAZETA 1930-YIL 12-MAYDAN CHIQA BOSHLAGAN • 2009-yil 16-may, shanba • №20(3810)

**2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили**

**Оброн – Косон туманидаги энг катта қишлоқлардан бири. Қишлоқнинг қоқ марказидан ўтган Қашқадарё ўзанидан сув бир текис оқиши боис мазкур ном пайдо бўлган. Бу гўшадаги «Дўстлик» қишлоқ фуқаролар йиғинининг ўтмиши узоқ тарихга эга. Бу гўша одамларининг феъл-атвори қишлоқ номига мос ва хос. Аҳоли асосан деҳқончилик ва чорвачилик ортидан меҳнат қилиб, рўзғор тебратади.**

## ОҚсоқоли ОҚил маскан

Бугунги кунда мазкур фуқаролар йиғинида 4000 нафар аҳоли истиқомат қилмоқда. Фуқароларнинг тинч-осуда ҳаёт кечиришини таъминлаш учун туман ИИБ ҲООБ 74-милиция таянч пункти профилактика инспектори, майор Ф. Равшанов, маҳалла посбонлари сардорлари С. Норбоев ҳамда Ж. Хушвақтов, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Р. Салимова билан ҳамкорликда фаолият олиб боришмоқда. Ҳозирда Ўрта Оброн номи билан юритилаётган қишлоқда олти нафар спиртли ичимликка ружу қўйганлар, саккиз нафар норасмий диний оқим аъзолари ва уч нафар низоли оилалар билан мунтазам профилактик суҳбатлар олиб борилаётгани ва бекор юрганлар иш билан таъминланаётгани яхши самара бераяпти. Бу борада «Дўстлик» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, истеъфодаги майор Бахтиёр Норовнинг муносиб хизматлари бор. Оқсоқол узоқ йиллар ички ишлар идораларида меҳнат қилгани нафақат ўзи, балки шогирд ҳамкасбларига ҳам қўл келмоқда.

Ҳудудда иккита коллеж, учта мактаб мавжуд бўлиб, ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида «Ёшлар – келажагимиз», «Гиёҳвандлик – аср вабоси», «Норасмий оқимлар жаҳолатга етаклар» каби огоҳликка чорловчи, «Ҳужжат тартиботи ва қоидалари», «Ўз ҳуқуқларингизни англаб етинг», «Аёл – жамият гултожи» мавзуларидаги йиғилишларда тинч-осуда турмушнинг қадрига етиб яшаш доимий диққат марказда бўлиши лозимлиги фуқароларга уқтириб келинаётир.

– Кейинги йилларда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳомийлар кўмагидан самарали фойдаланилмоқда, – дейди Б. Норов. – Биз билан бир бинода жойлашган «Бандликка кўмаклашувчи марказ», Микрокредит банк шохобчаси шулар жумласидандир. Ёшлар этикдўзлик, сартарошлик бўйича ҳунар ўрганишмоқда. Аҳолининг кўпчилиги шахсий томорқасида сабзавот етиштириб, бозор тўкинлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

– Кейинги икки йил ичида милиция таянч пунктини ўз ичига олган йиғин биноси қайта таъмирланиб, жиҳозланди. Эндиликда фуқароларнинг турли йўналишдаги муаммолари шу ернинг ўзида муҳокама этилиб, ечимини топмоқда.

Фақат бугунни эмас, балки эртанги кун ташвиши билан яшаш шу масканда истиқомат қилаётган инсонлар тақдири, интилиши, ҳалол меҳнати билан ўлчаниши табиий. Қаерда озодалик, саришталик, иноқлик ҳукм сурса, шу ерда қут-барака бўлаверади. Биргина Косон туманидаги «Дўстлик» қишлоқ фуқаролар йиғинида амалга оширилаётган бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бундан нишона.

**Содиқ РАҲИМОВ.**

*Қашқадарё вилояти.*

**18 МАЙ – ХАЛҚАРО МУЗЕЙЛАР КУНИ**

## ТАРИХ БИЛАН СЎЗЛАШИБ

***Давр шиддат билан одимламоқда. Ота-боболаримиз босиб ўтган шонли йўл ҳақида тасаввурга эга бўлишимизда айниқса, музейларнинг ўрни катта. Шу маънода республика Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари тарихи музейи ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим роль ўйнамоқда.***

– Ушбу масканни ташкил қилишда марҳум генерал-майор К. Алиев, истеъфодаги полковниклар Т. Соатов, Н. Чурсинов ва А. Абдураҳмоновнинг хизмати катта, – дейди ИИВ Қоровул қўшинлари фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги полковник Евгений Жуковский. – Бу ерда турли йилларда Қоровул қўшинлари сафида хизмат қилган фидойи ходимларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид стенд ва экспонатлар, юзлаб ноёб суратлар, тарихий ҳужжатлар ўрин олган.

Экспонатлар билан танишган киши қўшинларга турли даврларда раҳбарлик қилган инсонлар ҳақида маълумот олиши мумкин. Айниқса, йигирма йилдан ортиқ қўмондонлик қилган марҳум генерал-лейтенант Бурҳон Сирожиддиновнинг ибратли ҳаёти батафсил акс эттирилган. Шунингдек, унинг орден ва медаллари тақилган хизмат кийимлари ҳам ўрин олган.

Музейга кўпинча фахрийлар ташриф буюриб, бирга ўтган дамларни хотирлашади. Шунингдек, ушбу масканда фахрийлар кенгашининг мажлислари, юбилей кечалари бўлиб ўтади, жанговар хизматда ютуқларга эришган ҳарбий хизматчиларга тантанали равишда мукофотлар топширилади. Шу билан бирга оталиққа олинган мактаб, коллеж, лицей ўқувчилари ҳамда меҳмонларнинг экспонатлар билан танишуви анъанага айланган. Кўпчиликда Хотира хонаси катта қизиқиш уйғотади. Унинг марказида жанговар ҳаракатлар ва байрам салюти фонида мотамсаро она монументи кўзга ташланади. Бундан ташқари, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг суратлари ҳам бор.

Музей эсдалик китобини варақлар экансиз турли соҳа вакиллари, давлат ва жамоат арбоблари, чет эллик меҳмонлар дил сўзларини ёзиб қолдиришганининг гувоҳи бўласиз. «Ушбу қутлуғ даргоҳ менда катта таассурот қолдирди, – деб ёзади катта лейтенант М. Шерматов. – Музей дид билан безатилган. Қоровул қўшинларининг кечаги куни ва бугуни ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлдим».

Кўриниб турибдики, музейга ташриф буюрган ҳар бир кишининг қалбида ажиб ҳислар жўш уради, тарих билан сўзлашади, ўз тафаккурини бойитади.

**Фурқат ХОЛИҚУЛОВ, «Постда» мухбири.**



***Суратда:** Қоровул қўшинлари фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги полковник Е. Жуковский ҳамда бир гуруҳ оддий аскарлар музей экспонатлари билан танишмоқда.*

**Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.**

## ЁНҒИН ЎЧИРУВЧИЛАР БАҲСГА КИРИШДИ

Бугун Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий-техник мактаби спорт базасида ёнғин ўчириш амалий спорти бўйича республика чемпионати бошланди. Мусобақада 16 та терма жамоа ёнғин ўчириш амалий спортининг бешта тури бўйича куч синашади.

Бундан ташқари, ёнғин ўчириш техникаси ва асбоб-ускуналари кўргазмаси ҳам бўлиб ўтади.

***(Ушбу тадбир ҳақидаги мақола билан газетамизнинг келгуси сонида танишасиз).***

**Ўз мухбиримиз.**

## АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

«ОБУНА – 2009»



**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги нашрлари – «ПОСТДА», «НА ПОСТУ» газеталари ҳамда «QALQON», «ЩИТ» журналларига 2009 йилнинг иккинчи ярми учун обуна давом этмоқда.**

Нашрларимизда жиноят қидирув хизмати воқеалари, терговчи қайдлари, криминал воқеалар, суд очерклари мунтазам ёритиб борилади. Ички ишлар идоралари тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, дунёда содир бўлаётган оламшумул янгиликлардан ўз вақтида бохабар бўлишни истасангиз, газета ва журналларимизга обуна бўлишга шошилинг!

**Индексларимиз:**

ПОСТДА» 180 (366) «НА ПОСТУ» 169 (367)
«QALQON» 970 (1083) «ЩИТ» 971 (1084)

## ЎЗБЕКИСТОН ҲАФТА ИЧИДА

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан, Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак 10 май куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди. Президентлар хавфсизлик масалаларига алоҳида тўхталдилар. Халқаро терроризм ва экстремизмга, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандасига қарши курашдаги ҳамкорлик, оммавий қирғин қуролларини тарқалишининг олдини олиш билан боғлиқ муаммолар ҳамда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик борасидаги масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Музокара якунида Ислом Каримов ва Ли Мён Бак Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикасининг Қўшма баёнотига имзо чекдилар.**

● Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, вилоятлар сайлов комиссиялари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон Экологик ҳаракати раҳбарлари, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул жамоат ташкилотлари, давлат ҳокимияти органлари вакиллари иштирок этди.

● **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, соҳа мутахассислари иштирок этди.**

● Ўзбекистон Бадиий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида «Хотира мангудир» деб номланган фотокўргазма ташкил этилди. Кўргазмада намойиш этилган асарларда Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳамюртларимизнинг фронтда ва фронт ортидаги жасорати, фидокорона меҳнати ўз ифодасини топган.

● **Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг (Германия) юртимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатасининг депутатлари, хотин-қизлар қўмитаси фаоллари, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.**

● Муҳташам «Туркистон» саройида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Энг намунали тадбиркор оила» кўрик-танлови ўтказилди. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб ташкил этилган ушбу танловда Собир Раҳимов туманидаги Абдураҳмон Қодиров оиласи энг намунали тадбиркор оила, деб топилди.

**ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.**

# ТАЙИНЛАНДИЛАР



**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари – Ёнғиннинг олдини олиш ва ёнғин назоратини ташкил этиш бошқармаси бошлиғи, подполковник Тохритдин Зухридинович НАДЖИМОВ.**

Тохритдин Зухридинович Наджимов 1965 йилда туғилган. Маълумоти олий, Тошкент электротехника алоқа институтини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1991 йилда Тошкент вилояти ИИБ ЁСБ муҳандиси лавозимидан бошлаган. 1993–2001 йилларда Тошкент вилояти ИИБ ЁСБ бош мутахассиси, ҲЁХҚ бошлиғи ўринбосари, бошлиғи, 2002–2009 йилларда Тошкент вилояти Бекобод шаҳар ИИБ ЁХБ ҲЁХО командири, Тошкент вилояти ИИБ ЁХБ бўлинма бошлиғи, ЁХБ бошлиғи ўринбосари, бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

* * *



**Тошкент шаҳар ИИББ Шахсий таркиб бўйича махсус инспекцияси бошлиғи, подполковник Алавиддин Пулатович СУЛТАНОВ.**

Алавиддин Пулатович Султанов 1966 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИВ Тошкент олий мактабини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1991 йилда Тошкент вилояти ИИБ ЖҚБ тезкор вакили лавозимидан бошлаган. 1992–2009 йилларда Тошкент вилояти ИИБ Шахсий хавфсизликни таъминлаш бўлими инспектори, катта инспектори, Шахсий таркиб бўйича махсус инспекцияси катта инспектори, катта тезкор вакили, бошлиғи ўринбосари, бошлиги, республика ИИВ Шахсий таркиб бўйича махсус инспекцияси катта тезкор вакили лавозимларида хизмат қилган.



**Фарғона вилояти ИИБ Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, подполковник Қодирали Журабойович ТУРҒУНОВ.**

Қодирали Журабойович Турғунов 1970 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИВ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1995 йилда Фарғона вилояти Марғилон шаҳар ИИБ профилактика бўлинмаси милиция участка инспектори лавозимидан бошлаган. 1996–2006 йилларда Марғилон шаҳар ИИБ ЖҚБ тезкор вакили, катта тезкор вакили, ЖҚ ва УЖҚҚБ бўлинма бошлиғи, 2006–2009 йилларда Фарғона ва Ёзёвон туманлари ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, Ёзёвон тумани ИИБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

* * *



**Андижон вилояти Хонобод шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Шуҳратжон Бурханович НИЗОМОВ.**

Шуҳратжон Бурханович Низомов 1963 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИВ Тошкент олий мактабини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1989 йилда Андижон вилояти Андижон тумани ИИБ терговбўлинмаси терговчиси лавозимидан бошлаган. 1990–2003 йилларда Андижон вилояти Пахтаобод тумани ИИБ тергов бўлинмаси терговчиси, профилактика бўлинмаси милиция участка инспектори, балоғат ёшига етмаганлар иши бўйича инспекцияси инспектори, ЖҚБ катта тезкор вакили, туман ИИБ бошлиғининг ШТБИ бўйича ўринбосари, туман ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, Андижон вилояти ИИБ ТИБ катта инспектори, 2003–2009 йилларда Андижон вилояти ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ катта тезкор вакили, бўлим бошлиғи ўринбосари, бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

* * *



**Наманган вилояти Уйчи тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Мухаммаджон Ибрагимович ДАДАЖАНОВ.**

Мухаммаджон Ибрагимович Дадажанов 1965 йилда туғилган. Маълумоти олий, Наманган Давлат университетини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1989 йилда Наманган вилояти ИИБ тезкор вакили лавозимидан бошлаган. 1993–2009 йилларда Наманган вилояти ИИБ ШТБИХ инспектори, бошлиғи ўринбосари, вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ бўлим бошлиғининг ўринбосари, бошлиғи, Поп тумани ИИБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

ХАБАРЛАР

## ЯНГИ АДАБИЁТЛАР ТАҚДИМОТИ

**Илмий-амалий ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ва Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ўртасида тузилган шартномага кўра, ушбу Марказ томонидан Академия кутубхонасига 27 номдаги 870 дона илмий ва илмий-оммабоп китоблар совға қилинди.**

Шу муносабат билан, Академия ўқув ва махфий адабиётлар кутубхонасида Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамкорлигида олиб келинган янги адабиётлар тақдимоти бўлиб ўтди.

Тақдимот маросимида сўзга чиққан Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг етакчи илмий ходими А. Акмалов, Академия профессор-ўқитувчилари ҳамда тингловчилари янги адабиётларнинг мазмун-моҳияти, долзарблиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари учун аҳамияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тақдимот иштирокчилари ўзларини қизиқтирган барча саволларга тўлиқ ва ҳар томонлама аниқ жавоб олдилар. «Маънавият ва янгиланаётган жамият» рукни остида тайёрланган ва «Академия» нашриёти томонидан нашр қилинган адабиётлар китобхонлар дунёқарашининг кенгайиши ва юксалишида катта аҳамият касб этади. Тақдимот иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

**Шавкат МАМАДАЛИЕВ, подполковник.**

## КОЛЛЕЖДА УЧРАШУВ

**Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар ИИБ ҲООБ ходимлари ташаббуси билан Хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида «Гиёҳвандлик–аср вабоси» ҳамда «Кўллика рози бўлманг» мавзуларида тадбир ташкил этилди.**

Йиғилишда вилоят Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Х. Ибрагимов ва вилоят ИИБ ҲООБ бошлиғи, подполковник М. Исмоилов сўз олиб, гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар, бу иллатга қарши кураш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапирдилар. Шунингдек, хорижда ишлаб, мўмай даромад орттиришни кўзлаб, алданиб, одам савдоси қурбонига айланиб қолаётган айрим юртдошларимизнинг аччиқ қисмати барчага, айниқса, катта ҳаёт остонасида турган ёшларга сабоқ бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Коллеж ўқувчилари томонидан ишланган деворий газеталар гиёҳвандлик ва одам савдоси каби жиноятларнинг оқибатларини ифодалагани билан иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

**Х. ҲАСАНБОЕВ.**

*Тошкент вилояти.*

ТАДБИР

# ЯХШИЛАР НОМИ ЎЧМАЙДИ

**САМАРҚАНД** шаҳридаги «Мўъжиза» амфитеатрида Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб хайрия концерти ўтказилди. Унга ички ишлар идоралари ходимлари, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фахрийлар ҳамда хизмат пайтида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзолари таклиф этилди.

Тадбирда эл-юрт тинчлиги йўлида жон олиб-жон берган фидойи ходимларнинг номлари бирма-бир тилга олиниб, уларнинг оила аъзоларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

Марғуба опа Ғаниеванинг турмуш ўртоғи Эгамберди Алиқулов ҳам ўзгалар ҳаётини сақлаб қолиш эвазига жон фидо қилганлардан бири эди. Марғуба опа ва унинг икки нафар фарзандига ҳам эҳтиром кўрсатилди.

Тадбирда вилоят ИИБ бошлиғи, полковник В. Ходжаев сўз олиб, шундай деди: «Мазкур байрам меҳр ва мурувват, кексаларга эҳтиром белгисидир. Энг муҳими, отабоболаримиз жасоратининг қадрига етиш, она-Ватанга, халққа муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, юртга, халққа муносиб фарзанд бўлишдек эзгу туйғуларни ёшларимиз онгига сингдиришда катта аҳамият касб этади. Бу эса, мустақил Ватанимиз равнақи учун ниҳоятда муҳимдир».

Тадбир сўнггида уруш қатнашчилари, фахрийлар ва хизмат пайтида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларига қимматбаҳо совғалар топширилди. Сўнгра байрам дастурхони ёзилди. Воҳа санъаткорлари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар байрамга ўзгача файз бахш этди.

**Ш. БУРХОНОВ, капитан.**

**Содиқ РАҲИМОВ.**

* * *

**ҚАШҚАДАРЁ** вилояти ИИБда Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ўтказилган тантанали маросим Мотамсаро она ҳайкали пойига гуллар қўйиш билан бошланди. Иккинчи жаҳон уруши ҳамда меҳнат фахрийлари иштирок этган мазкур йиғилишни вилоят ҳокими Н. Зайниев очди.

* * *

**НАВОИЙ** вилояти ИИБ ва унинг куйи тизимларида Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан қатор тадбирлар бўлиб ўтди.

– Биз, кексаларга кўрсатилган эътибор ва ғамхўрликдан беҳад мамнунмиз, – дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги подполковник Н. Дерягин. – Хонадонимизга келиб, Президентимизнинг табригини етказишганида очиғи, мурувватли эл меҳрини, мададини яна бир бор ҳис этдим. Куч-қувватим, ҳаётимнинг навқирон дамларини юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдек хайрли ишга бахш этганимдан хурсандман.

Шу куни фахрийлар, истеъфодаги подполковник В. Ҳайдаров, истеъфодаги майор А. Замалетдинов, Т. Раҳмонов ва бошқаларнинг қалби ҳам эзгулик нуридан равшан тортди, десак муболаға бўлмайди.

Президентимизнинг Фармонига мувофиқ бугунги тинч ва осойишта ҳаётимиз учун курашган бир гуруҳ уруш қатнашчиларига 120 минг сўмдан пул мукофоти ва эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, ички ишлар идораларида кўп йиллар самарали хизмат қилиб, нафақага чиққан кексалар, ногиронлар, эътиборга муҳтож фахрийлар ҳамда хизмат чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларига ҳам моддий ёрдам кўрсатилди.

**Нигора РАҲИМОВА.**

* * *

**УРГАНЧ** шаҳридаги "Мегаполис" чойхонасида ички ишлар идоралари фахрийси, подполковник Раҳимберган ота Каримов хотирасига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

Тадбирни Хоразм вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Б. Раимов очиб, узоқ йиллар ички ишлар идораларида сидқидилдан хизмат қилган Раҳимберган ота Каримовнинг сермазмун ҳаёт йўлига тўхталди. Р. Каримовнинг ҳамкасби, вилоят ИИБ фахрийлар кенгаши аъзоси, истеъфодаги полковник Шарофхон Абдуллаев хизмат хотираларидан сўзлаб берди.

Хотира кечасида вилоят ИИБ ҳамда фахрийлар кенгаши томонидан таъсис этилган Раҳимберган ота Каримов номидаги мукофотни топшириш маросими бўлиб ўтди. Анъанавий тарзда давом этиб келаётган бу мукофот истеъдодли шоир, катта сержант Бекмурод Усмоновга насиб этди.

Республика Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони Эгамберган Каримов падари бузруквори хотирасини ёд этиб, ушбу кечани ташкил этганликлари учун вилоят ИИБ раҳбарияти ҳамда фахрийлар кенгашига самимий миннатдорчилик билдирди.

**Худойберган ЖАББОРОВ, «Постда» мухбири.**

«ҒАЛЛА–2009»

# ЎРИМ-ЙИҒИМГА ШАЙМИЗМИ?

**Ғалла – халқимиз фаровонлиги, дастурхонимиз тўкинлиги рамзидир. Миллий қадриятларимизда ҳам ризқи рўзимиз бўлмиш нон эъзозланади. Ҳадемай ҳиммати баланд бободеҳқонларимизнинг пешона тери эвазига етиштирилган буғдой ўрим-йиғимига киришилади. Хирмонлар донга тўлади.**



Бу йил мамлакатимиз ғаллакорлари 1 млн. 351 минг 300 гектар майдонга бошоқли дон экиб, жами 4 млн. 800 минг тонна ялпи ҳосил олиш, шундан 2 млн. 500 минг тоннасини ёки 52,08 фоизини давлатга сотишни режалаштирган. Дала заҳматкашларига яқиндан кўмак бераётган ички ишлар идоралари ходимлари ҳам «Ғалла–2009» мавсумига қизғин тайёргарлик кўришди. Айни пайтда донни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш, қабул пунктларига талон-тарожликларсиз ташилиши, шунингдек, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлиги таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда ғалла ўриш комбайнлари, дон ташишга жалб этиладиган транспорт воситаларининг тайёргарлиги доимий равишда ўрганиб борилмоқда.

– Ҳозирда қишлоқ хўжалик техникалари, транспорт воситалари, ғалла қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарини мавсумга тайёрлаш давом этмоқда, – деди республика ИИВ ППХ ва ЖТСББ бошлиғи, полковник У. Нарзуллаев. – Аммо айрим жойларда бу борадаги ишлар қониқарли эмаслиги кўзга ташланмоқда. Мисол учун, 2009 йил 8 майга қадар мавсумда қатнашиши режалаштирилган 2816 та юқори унумли комбайнлардан энди 2540 таси созлангани фикримизга далил бўла олади. Бу турдаги комбайнларнинг Қорақалпоғистон Республикасида 75,2 фоизи, Бухоро вилоятида 65,5 фоизи, Хоразм вилоятида 89,2 фоизи, Фарғона вилоятида 88,2 фоизи созланган, холос. Айрим жойларда таъмирлаш ишлари умуман талаб даражасида олиб борилмаётганлиги маълум бўлди.

Мавсум муносабати билан республика Ички ишлар вазирлиги ва унинг қуйи тизимларида тезкор штаблар ва ишчи гуруҳлари тузилади. Ички ишлар идоралари ходимлари ҳудудий ҳокимликлар вакиллари билан ҳамкорликда ғалла майдонлари, дон қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарига олиб борадиган 882 та йўналишни белгилаб олишди. Ҳозирги кунда ушбу йўналишларда 60 та мунтазам ЙПХ масканлари, 190 та милиция блок-постлари мавжуд. Мавсум давомида қўшимча равишда 611 та кузатув масканлари ташкил этилиши режалаштирилди.

Жорий йил 5 май куни Наманган вилоятининг Наманган туманида Фарғона ва Андижон вилоятлари, 7 май куни Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманида Тошкент, Жиззах ва Самарқанд вилоятлари, 12 май куни эса Бухоро вилоятининг Вобкент туманида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари вакиллари иштирокида «Ғалла ҳосилини йиғиб олиш билан боғлиқ бўлган давлат вазифаларини бажариш борасида Фавқулодда вазиятлар давлат тизимлари ҳудудий хизматларининг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш» мавзуида минтақавий кўргазмали махсус-тактик ўқув машқлари ўтказилди. Ушбу тадбирлар иштирокчиларнинг тобора яқинлашаётган ғалла ўрим-йиғими мавсумига тааллуқли талайгина маълумотлар олишида муҳим омил бўлди.

Донни нест-нобуд қилмай қабул пунктига етказиш фақатгина ички ишлар ходимлари эмас, балки ҳамманинг иши, деб қарашимиз лозим. Зеро, унинг ҳар бир мисқоли эртага нон бўлиб, дастурхонимизга файз, қут-барака олиб киради.

**Азизжон ФАЙЗИЕВ,**
**«Постда» мухбири.**

# МАСЪУЛИЯТЛИ ПАЛЛА

**Наманган вилоятида ИИБ ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан ғалла мавсумига бағишланган минтақавий махсус тактик-ўқув машқи ўтказилди.**

Етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш, ғалла майдонларида ёнғин чиқиши, дон талон-тарож қилинишининг олдини олиш, ўрим техникаларининг созлиги, йиғиштирилган буғдойни белгиланган масканларга ташиш муҳимдир. Махсус тактик-ўқув машқи ана шу масалаларга бағишланди. Унда Фарғона ва Андижон вилоятларидаги тизимга алоқадор ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Дастлаб вилоят ва туман ички ишлар идоралари, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларда ҳаракат қилиш давлат тизимига кирувчи хизматлар раҳбарларининг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш бўйича йиғилиш ўтказилди. Шундан сўнг иштирокчилар Наманган тумани машина-трактор саройида мавсумга жалб этиладиган комбайнларнинг тайёргарлик ҳолатини кўздан кечиришди. Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, мавжуд техникалар ва уларга техник хизмат кўрсатувчи отрядлар зарур эҳтиёт қисмлар, малакали мутахассислар билан таъминланган.

Йиғиб олинган ҳосилни ташишга «Ўзавтодарёттранс» вилоят бўлими томонидан 731 та юк автомобили жалб этилган. Шундан 60 таси Наманган туманига тўғри келади. Барча транспорт воситалари техник кўрикдан ўтказилган. Мавсум давомида дон тўкилиб, исроф бўлмаслигига қаратилган чоралар кўрилган. Отряд аъзоларининг овқатланиши, ўримдан бўш пайтда дам олиши учун барча шароитлар яратилган. Тадбир давомида ёнғин хавфсизлиги ходимлари содир бўлган ёнғинни бартараф этиш, жабрланганларни қутқариш ва уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди.

**Фурқат МАМАЖОНОВ,**
**майор.**

*Наманган вилояти.*

ТАРАДДУД

# ЁЗГИ ОРОМГОҲЛАР:

## МАВСУМДА НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ ЗАРУР

***Ўқувчиларнинг ёзги таътили бошланиши билан дам олиш оромгоҳлари яна болажонлар билан гавжум бўлади. Мавсум кўнгилсиз ҳодисалардан ҳоли ўтиши учун ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан режалар тузилиб, бир қатор чора-тадбирлар белгилаб олинди.***



Ҳеч бир ёнғин сабабсиз келиб чиқмайди, албатта. Бунинг учун кичик бир нуқсон бўлиши кифоя. Агар унга аҳамият бермай, лоқайдлик қилинса фалокат чиқиши ҳеч гап эмас. Маълумки, оромгоҳларнинг аксарияти тоғли ҳудудларда жойлашган. Мабодо, ёнғин рўй берса-ю телефон бўлмаса ёнғин ўчирувчилар қай тариқа чақирилади ёки бирламчи ёнғин ўчириш асбоб-анжомларисиз бошланаётган алангани қандай даф этиш мумкин? Шунга ўхшаш жиҳатларни инобатга олган соҳа ходимлари мавжуд оромгоҳларни текширувдан ўтказиб, ҳар бир камчиликни бартараф этиш юзасидан маскан раҳбарларига ёзма кўрсатмалар беришди.

Аммо айрим жойларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаётган, аниқланган камчиликлар бўйича берилган ёзма кўрсатмаларни бажармай, ўз вазифасига совуққонлик билан қараётган шахслар ҳам аниқланди. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузган раҳбар ва жавобгар шахслар маъмурий жавобгарликка тортилди. Ёнғин чиқиш хавфи бўлган бино, иншоот ва хоналарнинг иш фаолияти вақтинча тўхтатиб қўйилди, носоз электр мослама ва агрегатлардан фойдаланиш тақиқланди. Бундан ташқари, ёнғинга қарши ҳолати қониқарсиз бўлган масканлар тўғрисида ҳокимлик ва юқори ташкилотларга ахборотномалар киритилди.

Болалар ёзги таътилни бехатар ўтказиши учун оромгоҳларда қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш талаб этилади:

– оромгоҳ ҳудудидаги биноларнинг ёғоч қурилиш қисмлари ёниш тезлигини пасайтирувчи махсус кимёвий суюқлик билан қайта ишланиши;

– ҳудуддаги электр симлар ва кабеллар ҳимоя қобиқларининг электр токига қарши чидамлилик даражаси синовдан ўтказилиши, носоз электр манбалар созларига алмаштирилиши;

– кўзга кўринадиган жойларга бирламчи ёнғин ўчириш воситалари, ёнғинга қарши қалқон ўрнатилиши, унда белкурак, металл илгак, болта, 2 дона челак, 2 дона ёнғин ўчиргичлар жойлашиши, ёнида сув тўлдирилган бочка ва қумли қути ўрин олиши;

– камида тўрт кишидан иборат кўнгилли ёнғин ўчириш гуруҳи фаолият кўрсатиши;

– ёнғин ўчириш қисмига содир бўлган ёнғин ҳақида хабар бериш учун телефон алоқаси ва радио тармоғи ишлаб туриши;

– мавсумга жалб этилган тарбиячи ва ишчи-хизматчилар ёнғин чиққанда тўғри ҳаракат қилиши, шунингдек, бирламчи ёнғин ўчириш воситаларидан фойдалана олишлари зарур.

Ёзги дам олиш оромгоҳларида уюштириладиган гулханлар оралиқ масофа сақланган, атрофи қуриган ўтлардан тозаланган ҳолда, мутасадди раҳбарлар ва ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг назорати остида ўтказилиши шарт. Шуни унутмаслик зарурки, оромгоҳларда ҳордиқ чиқараётган болажонларнинг хавфсизлигини муҳофаза қилиш ўз қўлимизда.

**Улуғбек ВАФОЕВ,**
**ИИВ ЁХББ муҳандиси,**
**катта лейтенант.**

# ЖАҲОН



# АЙВОНИДА

### УЯЛИ ТЕЛЕФОНДА... РЕКЛАМА

Уяли телефонлар ишлаб чиқарувчи «Nokia» компанияси ўз маҳсулотлари корпусида реклама жойлаштиришни режалаштирмоқда. Компания АҚШ бозорларида сотувга чиқариладиган қўл телефонларида ана шу янгиликни жорий қилмоқчи. Бу усул олдинроқ Бразилияда синовдан ўтказилган бўлиб, ижобий натижага эришилганди. Шуни айтиб ўтиш жоизки, сотувга чиқариладиган аппаратлар корпусида «Nokia»нинг янги нусхалари ёки компанияга оид маълумотлар акс эттирилади.

### ИНШООТНИНГ УЗУНЛИГИ АНИҚЛАНДИ

ХХР давлат картография бошқармасининг маълум қилишича, Хитой олимлари Буюк Хитой деворининг узунлиги 8 минг 851 километр 800 метрдан иборат эканлигини аниқлашди. Ҳарбий истеҳком нуқтаи назаридан бунёд этилган ушбу қадимий иншоот эрамиздан аввалги учинчи асрда Цин Шихуан ҳокимлиги даврида бошланган. Бугун сайёҳлар томоша қилаётган деворлар эса 600 йиллик тарихга эга бўлиб, Мин сулоласи даврида бунёд этилган.

### ЭНГ КАТТА ЙЎҚОТИШ

Дунёдаги йирик автомобилсозлик корпорацияларидан бири – «Toyota Motor Corp» ўтган йилни 4,4 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги зарар билан якунлаган. Бу унинг фаолиятидаги сўнгги 60 йил ичида кузатилган энг катта йўқотишдир. Бунга АҚШ ва Европа бозорларида автомобилларга бўлган талабнинг кескин камайиб кетгани ҳамда хом ашё нархининг қимматлашгани сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

### БРАЗИЛИЯДА ТАБИИЙ ОФАТ

**France Presse ахборот агентлиги** тарқатган хабарда айтилишича, Бразилияда бир неча кун давом этган ёғингарчилик туфайли сув тошқини ва ер кўчкиси юз берган. Табиий офат натижасида 44 нафар одам ҳаётдан кўз юмган. Мамлакатнинг 11та штатида яшовчи 1 миллион 300 мингга яқин аҳоли ўз уйларини ташлаб кетишга мажбур бўлган.

### ЕВРОПА ИТТИФОҚИ КЕНГАЯДИМИ?

Яқинда Германия канцлери Ангела Меркель ва Франция президенти Николя Саркозилар Берлиндаги учрашувда бу масалада ўз фикрларини билдиришди. Германия етакчиси Европа Иттифоқини бундан буён кенгайтиришдан фойда йўқлигини таъкидлади. Унинг фикрича, иттифоқнинг кенгайиши бирлашманинг самарали фаолият кўрсатишига халақит беради.

Саркози ҳам худди шу фикрни тасдиқлаб, «Европа Иттифоқини бошқа кенгайтириб бўлмайди», деди.

**Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.**

*Тингловчилар олган назарий билимларини жойларда амалиёт даврида, ўзларига бириктирилган мураббийлар кўмагида ҳар томонлама пухта мустаҳкамлашмоқда.*

ТАДБИР

# МАРКАЗДА БИТИРУВ МАРОСИМИ



**Республика ИИВ ППХ ва ЖТСББга бевосита бўйсунувчи кинолог ходимлар ва қидирув-хизмат итларини тайёрлаш марказида навбатдаги битирув маросими бўлиб ўтди. Дастлаб марказ бошлиғи, майор Дилшод Ҳасанов ИИВ ППХ ва ЖТСББ бошлиғи, полковник Улуғберди Нарзуллаевга шахсий таркиб тантанага тайёр эканлиги ҳақида ахборот берди. Маросим очиқ деб эълон қилингач, битирувчиларга сертификатлар топширилди.**

Шундан сўнг полковник У. Нарзуллаев соҳада малакали кинологлар тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, хусусан, мазкур масканда яратилган шарт-шароитларга тўхталди ва сертификат соҳибларининг келгуси хизматларига муваффақият тилади. Имтиёзли сертификатларни қўлга киритган битирувчилар, катта сержант Анвар Султонов ва сафдор Азизбек Исмоилов сўзга чиқиб, ИИВ раҳбариятига миннатдорчилик билдирди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу марказда ИИВ махсус отряди, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ва вилоятлар ИИБ Қоровул қўшинлари кинология хизматларидан жами 52 нафар тингловчи уч йўналишда таълим олди. Улар «Қурол-аслаҳа, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини қидириб топиш», «Гиёҳвандлик моддалари ва психотроп воситаларни қидириб топиш» ва «Из-қидирув» йўналишлари бўйича ўқув жараёнига жалб этилди. Бундан ташқари, 52 та хизмат ити умумий курс ва махсус йўналишларга бириктирилди. Хизмат итларининг талаб даражасида сақланиши, парваришланиши ҳамда озиқлантирилиши юзасидан кунлик назорат амалга оширилди. Хоразм, Наманган, Фарғона ва Сирдарё вилоятлари ИИБларидан ўқишга юборилган 9 нафар тингловчи имтиёзли сертификат ва Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

— Мен Сирдарё вилоятидан малака ошириш учун келгандим, — дейди кичик сержант Бекзод Сувонов тантанали маросимдан сўнг. — Ўзимга бириктирилган зотли ит билан дўстлашиб олдим. Лақабини устозим, капитан Собиржон Жумабоев билан Кони деб номладик. Бу ерда гиёҳвандлик моддалари ва психотроп воситаларни қидириб топиш йўналиши бўйича керакли кўникмаларни олдим. Ўйлайманки, бу амалиётда қўл келади.

Марказдаги ишлар билан яқиндан танишиб, ўқув жараёни самарали олиб борилаётганига амин бўлдик.

**Абу КЕНЖАЕВ.**

**Суратда:** ***тадбирдан лавҳа.***

**Муаллиф олган сурат.**

ХАБАРЛАР

## БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА

**Самарқанд вилояти ИИБ фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги полковник Умид Дўстбеков бошчилигида 20 нафар фахрий Каттақўрғон шаҳрига ташриф буюрди. Шаҳар ИИБ шахсий таркиби билан ўтказилган давра суҳбатида У. Дўстбеков фахрийлар олдида турган вазифалар хусусида сўзлади.**

Шунингдек, ёш ходимлар ўртасида интизом, ишга масъулият ҳиссини кучайтириш, касб маҳоратини оширишда уларга кўмаклашиш зарурлигини таъкидлади. Тадбирда шаҳар ИИБ бошлиғи, подполковник О. Султонов жиноятчилик, шу жумладан, одам савдосига қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар, ёшлар тарбиясида фахрийларнинг ўрни тўғрисида гапирди.

Давра суҳбатида фахрийлар ходимларнинг саволларига жавоб бердилар. Кейин суҳбат бир пиёла чой устида давом этди.

**М. ЖУМАЕВ,**
**истеъфодаги майор.**

*Самарқанд вилояти.*

## УНУТИЛМАС ЛАҲЗАЛАР

**Ўксик қалбларга меҳр улашиш, ёрдамга муҳтож кишиларга мурувват кўрсатиш миллатимизга хос эзгу фазилатлардан ҳисобланади. Республика ИИВ Ашула ва рақс ансамблининг бир гуруҳ хонанда ҳамда қизиқчилари Қашқадарё вилоятининг шаҳар ва туманларида хайрия концерти уюштиришди.**

Санъаткорлар Қарши шаҳри, Ғузор, Китоб, Шаҳрисабз туманларида бўлиб ўтган кўнгилочар тадбирларда иштирок этиб, йиғилганларга қувонч улашишди. Эл севган санъаткорлар томонидан ижро этилган ичакузди ҳангомалар ва дилрабо қўшиқлар барчага манзур бўлди.

Тадбирларда хизмат бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлган ички ишлар ходимларининг оила аъзолари, ногиронлар ҳамда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига қимматбаҳо совғалар ва пул мукофотлари берилди.

**Содиқ РАҲИМОВ.**

*Қашқадарё вилояти.*

## ТИНГЛОВЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

**Пойтахт вилоятининг Олмалиқ шаҳрида жойлашган ИИВ Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказида ва «Балли йигитлар» кўрик-танлови ўтказилди. Танловда иштирок этган йигитлар анъанавий таништирув, савол-жавоб, эркин мавзу ва тош кўтариш шартлари бўйича беллашдилар. Кескин курашлар остида ўтган баҳслар якунига кўра 14-гуруҳ тингловчиси, сафдор Алишер Йўлдошев 87 балл йиғиб, биринчи ўринга сазовор бўлди.**

Шунингдек, тингловчилар ўртасида ташкил этилган спорт мусобақасида 12-гуруҳ спортчилари марказнинг кўчма кубоги ва I даражали дипломи билан тақдирланди. 9-гуруҳ тингловчиси, кичик сержант Ғайрат Сувонқулов эса «Моҳир тўпурар» номинацияси бўйича ғолиб бўлди. Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Хуршид РЎЗИЕВ.**

*Тошкент вилояти.*

АМАЛИЁТ

## БИЛИМЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Республика ИИВ Академиясининг битирувчи курс тингловчилари олган назарий билимларини жойларда амалиёт даврида, ўзларига бириктирилган мураббийлар кўмагида ҳар томонлама пухта мустаҳкамлашмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ тизимида амалиёт ўтаётган тингловчиларнинг билим кўникмаларини бойитишга йўналтирилган омилларга алоҳида эътибор қаратилди.



Улар билан ўтказилаётган давра суҳбатлари, учрашувлар Нукус шаҳридаги бир қатор маҳаллалар фаолиятлари билан танишуви ва тегишли хизматлар ходимлари билан футбол, волейбол мусобақаларининг ташкил этилиши ҳам тингловчиларнинг назарий билимларини ошириш билан бир қаторда ижтимоий ҳаёт сабоқларини ҳам бойитмоқда.

**Д. ХУДОЙШУКУРОВ.**

**Суратда:** ***Қорақалпоғистон Республикаси ЭКБ катта эксперти, катта лейтенант Бахтиёр Мамутов тингловчиларга касб сирларини ўргатмоқда.***

**Муаллиф олган сурат.**

## МУНОЗАРАГА БОЙ УЧРАШУВ

Яқинда Андижон вилояти ИИБ раҳбарияти ташаббусига асосан шаҳар-туман ИИБ бошлиқларининг республика ИИВ Академиясида таҳсил олаётган, айни кунларда вилоятда амалиёт ўтаётган андижонлик тингловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди. Уни вилоят ИИБ ШТБИХ бошлиғи ўринбосари, подполковник Р. Иминов очиб, мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбиясига катта эътибор берилаётгани, бунда ота-оналар, устозлар ҳамда билим маскани ходимларининг беқиёс хизматлари борлигини таъкидлади.

Учрашув қизғин баҳс-мунозарага бой бўлган давра суҳбатига айланиб кетди. Тингловчилар ўзларини қизиқтирган саволларига вилоят ИИБда хизмат қилаётган тажрибали ходимлардан жавоб олишди. Сўзга чиққанлар ички ишлар тизимларида хизмат қилиш шарафли касб эканлиги, уни пухта эгаллаш эса ҳар бир тингловчидан чуқур билим, намунали хулқ ҳамда жанговар тайёргарликни талаб этишини таъкидлади.

**Азизхон БУЗРУКОВ.**

*Андижон вилояти.*

# КЎРГАЗМАЛАР — ҲАЁТ КЎЗГУСИ



***Маълумки, шу йил 9-10 май кунлари Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб «Истиқлол» санъат саройида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қуролли Кучлар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлигида «Номинг дилларда мангу» деб номланган хайрия концерти ўтказилди.***

Айтиш жоизки, ташкилий қўмита томонидан қизиқарли концерт дастурини тайёрлаш билан бирга, концерт ўтказиладиган санъат саройининг фойесини байрамона руҳда безаш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Санъат саройининг фойесида Ўзбекистон Республикаси ИИВ, Қуролли Кучлар ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идораларининг ўз хизмат фаолиятларини акс эттирувчи, ёшларни Ватанга муҳаббат, бурчга садоқат руҳида тарбиялашга йўналтирилган ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган, ёшлар ҳаёти, сиёсат ва мамлакатимизда иқтисодиёт соҳасида эришилаётган ютуқлардан ҳикоя қилувчи турли кўргазмалар билан безатилиши тадбирнинг янада сермазмун ва қизиқарли ўтишини таъминлади.

Хайрия концертига ташриф буюрган раҳбарлар, нуфузли меҳмонлар, фахрийлар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ҳарбий хизматчилар, ички ишлар идоралари, Божхона қўмитаси ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, чегара қўшинлари ходимлари ҳамда хизмат бурчини бажариш пайтида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзолари ушбу кўргазмаларни зўр қизиқиш билан томоша қилдилар. Мамлакатимиз Қуролли Кучлари ва Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, эришилган натижалар ва қўлга киритилган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилувчи фотосуратларни кўздан кечирдилар.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий офицерлар уйининг Маънавият бошқармаси, республика ИИВ Ёнғин хавфсизлиги ҳамда Қоровул қўшинлари Бош бошқармалари, ППХ ва ЖТСББга бевосита бўйсунувчи кинолог ходимлар ва қидирув-хизмат итларини тайёрлаш маркази ҳамда Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти жамоалари томонидан тайёрланган кўргазмалар барчанинг диққатини ўзига жалб этди ва тадбир иштирокчиларида илиқ таассурот қолдирди.

**Ўз мухбиримиз.**

## МАҲОРАТНИ ОШИРИБ

**Республика ИИВ Академияси кундузги таълим 4-курс тингловчилари Самарқанд шаҳар ИИБда иш ўрганиш амалиёти биринчи қисмининг якунида мутахассисликлар бўйича синов имтиҳонлари топширишади. Амалиётнинг иккинчи қисми янада масъулиятли ҳисобланиб, кунт, сабр-тоқат талаб этади. Шу боис ҳар бир тингловчи маҳорат кўрсатиши зарур.**

«Жиноятларнинг олдини олиш» фаолияти йўналиши бўйича амалиётчилардан Р. Нарзиқулов, Ж. Назаров ҳамда С. Бердиқуловлар айниқса, милиция таянч пункти фаолияти, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашдаги ҳамда жиноятларнинг олдини олиш бўйича вазифаларни ўрганишда ўз қобилиятларини намоён этмоқдалар.

«Эксперт криминалистика» фаолияти мутахассислиги бўйича амалиётчи Д. Саматов эса жиноятларнинг олдини олиш ва содир этилганларини очишда касбий билим, кўникма ва малакасини шакллантириб бормоқда.

**Д. ПАЙЗИЕВ,**
**подполковник.**
**Ш. КАРИМОВ,**
**лейтенант.**

*Самарқанд вилояти.*

ЖАРАЁН

# ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРМОҚДА



***Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг ўтган 18 йил ичида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида, шу жумладан, суд-ҳуқуқ тизимида ҳам кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди. Яъни қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни кучайтириш, жиноий жазоларни либераллаштириш, судларнинг мустақиллиги таъминланиши, уларнинг фаолияти босқичма-босқич демократлаштириб борилиши каби салмоғи жиҳатдан асло бир-биридан кам бўлмаган ишлар бажарилди. Айниқса, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши суд, тергов, жиноят-процессуал жараёнларни, айбланувчига эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш чорасини қўллаш тартиб-тамойилини янада демократлаштириш имконини берди.***

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши 1957 йилда қабул қилинган «Экстрадиция қилиш тўғрисида»ги Европа Конвенцияси ва 1993 йилда имзоланиб, 2002 йилда янги таҳрирда тасдиқланган «Ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Минск Конвенцияси талабларига ҳам тўлиқ мос келади. Эндиликда Ўзбекистонда жиноят содир этиб, хорижий мамлакатларда қочиб юрган жиноятчиларни экстрадиция қилиш тартиби бирмунча осонлашмоқда. Чунки аксарият ривожланган давлатларда шахсни экстрадиция қилиш учун прокурор санкцияси эмас, балки суднинг шахсни қамоққа олишга санкция бериш ҳақидаги қарори талаб қилинади. Ҳозирги кунда дунёнинг 120 га яқин мамлакатида фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ёки улардан маҳрум қилиш билан боғлиқ мажбурлов чораларини қўллашга санкция бериш судлар ваколатидадир.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига биноан, республикамизда кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Жумладан, мамлакатимизда фаолият юритувчи адвокатлар бир тизимга, яъни Адвокатлар Палатасига бирлаштирилди. 2009 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура институтининг янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни кучга кирди. Мазкур Қонунга мувофиқ, нафақат адвокатларнинг ваколатлари, балки ушланган, гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг ҳам ҳуқуқлари халқаро стандартларга мос равишда кенгайтирилди.

2008 йил 23 сентябрда матбуотда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига кўра, Жиноят кодексининг 50 та моддасида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар прокуратура идоралари терговидан ички ишлар идоралари терговига ўтказилиши эса давлатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг мантиқий давоми бўлди.

Бунда ИИВда жиноят ишларини тергов қилишда тезкор бўлинмалар ва профилактика хизматларининг имкониятларидан самарали фойдаланиш борасида шаклланган ижобий амалиёт ҳамда прокуратуранинг дастлабки тергов устидан умумий назорат олиб бориш имкониятларини кенгайтириш зарурати инобатга олинган. Натижада жиноят ишларини тергов қилиш сифатини ошириш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминланиш борасида катта қадам қўйилди.

**Натижада жиноят ишларини тергов қилиш сифатини ошириш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминланиш борасида катта қадам қўйилди.**

Бундан ташқари, ЖПКнинг 345-моддасига, турли тергов органлари терговига тегишли жиноят ишлари бир иш юритувга бирлаштирилган ҳолларда терговга тегишлилик масаласини ҳал қилиш борасида прокурор, ушбу жиноят иши юзасидан терговни олиб боришни оғирроқ жиноятга доир ишнинг тергови тегишли бўлган органга, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси тенг бўлган ҳолда эса жиноят ишини узоқроқ муддат давомида тергов қилаётган органга топшириши ҳақидаги қатъий қоида ҳам киритилди.

Республика ИИВ тергов идоралари томонидан жорий йилнинг дастлабки уч ойи давомида ушбу моддаларда кўрсатилган жиноятлар бўйича 500 дан ортиқ жиноят ишлари қўзғатилган бўлиб, улардан 300 дан зиёди ЖПКнинг 381-моддаси тартибида суд муҳокамасига юборилди.

Амалиётда мазкур жиноятларнинг аксар қисмини ЖКнинг 117, 118, 119, 128, 186, 186-1, 186-2 ва 257-моддаларида кўрсатилган, яъни шахсни хавф остида қолдириш, номусга тегиш, жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш, ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш ёки сотиш жиноятлари ташкил қилмоқда.

Шу муносабат билан терговчиларнинг касбий тайёргарлиги, билим ва тажрибасини ошириш, зиммаларига юклатилган вазифаларни бажаришга қодирлигини таъминлаш, ўта оғир ҳисобланган, жинсий эркинликка қарши қаратилган ҳамда вояга етмаганлар томонидан қасддан одам ўлдириш жиноятларини тергов қилиш, жойларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатилишини такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг «ИИВ Тергов тизимларида жинсий эркинликка қарши қаратилган ҳамда вояга етмаганлар томонидан қасддан одам ўлдириш жиноятларини тергов қилиш бўйича бўлим, бўлинма ва гуруҳлар ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиш қабул қилинди.

Ушбу фармойишга асосан вазирликнинг Тергов Бош бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, Транспорт ва вилоятлар ИИБ Тергов бошқармалари таркибидаги фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигига қарши қаратилган жиноятларни тергов қилиш бўйича бўлим, бўлинма ва гуруҳлари базасида жинсий эркинликка қарши қаратилган ҳамда вояга етмаганлар томонидан қасддан одам ўлдириш жиноятларини тергов қилиш бўйича бўлим, бўлинма ва гуруҳлари ташкил этилди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳридан, Тошкент шаҳрининг ҳамма туманларидан, Тошкент вилоятининг Ангрен, Бекобод, Олмалиқ, Янгийўл шаҳарлари ҳамда Бўстонлиқ, Зангиота, Қибрай, Қуйичирчиқ туманларидан, Самарқанд вилоятининг Ургут туманидан, Самарқанд шаҳридан, Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳридан, Жиззах вилоятининг Жиззах шаҳридан, Бухоро вилоятининг Бухоро шаҳридан, Навоий вилоятининг Навоий ва Зарафшон шаҳарларидан, Фарғона вилоятининг Фарғона, Қўқон, Марғилон шаҳарларидан, Андижон вилоятининг Андижон шаҳридан, Наманган вилоятининг Наманган шаҳридан, Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳри ва Денов туманидан, Қашқадарё вилоятининг Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларидан, Хоразм вилоятининг Урганч шаҳридан икки нафардан терговчилар жинсий эркинликка қарши қаратилган ҳамда вояга етмаганлар томонидан қасддан одам ўлдириш жиноятларини тергов қилишга ихтисослаштирилди. Вазирлик Тергов Бош бошқармасида, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, Транспорт ва вилоятлар ИИБ Тергов бошқармаларида эса жинсий эркинликка қарши қаратилган жиноят турларининг соҳавий назорати ташкил этилди.

Жинсий эркинликка қарши қаратилган жиноятларни тергов қилиш ва назоратини олиб бориш, жойларга амалий ёрдам кўрсатиш, тергов қилиш амалиётини умумлаштириш, таҳлил қилиш, мавжуд салбий тенденцияларни ўз вақтида аниқлаш ва амалиётда учраётган муаммоларни бартараф этиш юзасидан бошқарув қарорлари лойиҳаларини тайёрлаш, тергов қилиш услубларини ишлаб чиқиш, тезкор хизматлар билан ҳамкорликни такомиллаштириш, тегишли ҳисоботлар ва нарядларнинг юритилишини таъминлаш ва бу йўналишда тергов ходимларининг касбий билим ҳамда тажрибаларини ошириш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилди. Шунингдек, ушбу йўналишдаги бўлим, бўлинма ва гуруҳлар чуқур касбий билимга ва тажрибага эга, жинсий эркинликка қарши қаратилган ҳамда вояга етмаганлар томонидан қасддан одам ўлдириш жиноятларини тергов қила оладиган терговчилар билан жамланди.

Жойларда жинсий эркинликка қарши қаратилган ҳамда вояга етмаганлар томонидан қасддан одам ўлдириш жиноятларининг идорағий ва процессуал назоратини тўғри ташкил этиш, бу йўналишдаги тергов ходимларининг касбий тайёргарлигини, билим ва тажрибасини, масъулиятини ошириш, ўз соҳасини ҳар томонлама чуқур ўргатиш мақсадида қисқа муддатли ўқув машғулотлари ташкил қилиняпти. Ушбу машғулотларни ўтказишга суд ва прокуратура ходимлари, адвокатлар, амалиётчи мутахассислар ва олимлар жалб этилмоқда. Терговчиларда жинсий эркинликка қарши қаратилган ҳамда вояга етмаганлар томонидан қасддан одам ўлдириш жиноятларини тергов қилиш кўникмаларини ҳосил қилиш ва уларга амалий ёрдам бериш учун методик қўлланмалар тайёрланиб, жойларга тарқатилди.

**Мазкур қонун давр талаби бўлиб, у кучга кирганидан буён, жиноят ишларининг терговга тегишлилиги масаласини ҳал қилишда аниқлик юзага келиб, ҳеч қандай мураккабликларга ўрин қолмади.**

Бундан ташқари, прокуратура ходимлари билан ҳамкорликда ушбу жиноятларга қарши курашиш ва содир этилганларини фош қилиш борасида ўзаро фикр алмашиб турилганлиги натижасида мазкур моддаларда назарда тутилган жиноятларни терговчиларимиз муваффақиятли тергов қилиб келмоқдалар.

Масалан, фуқаро Ш. Мажидова туман ИИБ бошлиғи номига 2009 йил 2 март куни ариза билан мурожаат қилиб, унда номаълум шахс 1-синфда ўқиётган қизи М. З.нинг номусига тегканлигини баён этиб, ушбу шахсни аниқлаб, унга нисбатан қонуний чора кўрилишини сўраган.

Шу куни ИИБ тергов бўлинмаси томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 118-моддаси 4-қисми ва 119-моддаси 4-қисми билан номаълум шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилган. Жиноят “иссиқ изида” фош қилиниб, уни муқаддам уч мартоба судланган фуқаро Ш. Халлиев содир этганлиги аниқланиб, гумон қилинувчи ушланган. Дастлабки тергов натижаларига кўра, Ш. Халлиев Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 118-моддасининг 4-қисми ва 119-моддасининг 4-қисми билан айбланиб, жиноят иши жорий йилнинг 24 март куни ЖПКнинг 381-моддаси тартибида суд муҳокамасига юборилган. Ш. Халлиев суд томонидан тегишли муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

Мазкур турдаги жиноят ишларини тергов қилиш давомида айрим фуқаролар ўзларини зўрлаб номусига теккан шахс у билан оила қурса, айбланувчига нисбатан даъво қилмаслигини билдириши, акс ҳолда номуси бузилганлиги сабабли мазкур шахсга қатъий чора кўришни сўраши ҳолатлари ҳам учрамоқда. Жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида ана шундай ҳолатлар билан боғлиқ бўлган 100 дан ортиқ ишлар бўйича жиноят иши қўзғатиш рад қилинган ва 70 дан ортиқ жиноят ишлари бўйича эса дастлабки тергов ҳаракатлари тугатилган.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонун давр талаби бўлиб, у кучга кирганидан буён, жиноят ишларининг терговга тегишлилиги масаласини ҳал қилишда аниқлик юзага келиб, ҳеч қандай мураккабликларга ўрин қолмади. Бу ўз навбатида жиноятчиликка қарши кураш самарасини оширмоқда. Содир этилган жиноятларни фош этишда республика ИИВ тизимидаги тергов, тезкор ва профилактика хизматлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик яхши йўлга қўйилганлиги ҳам ўз натижаларини бермоқда. Қолаверса, прокуратура органлари томонидан дастлабки тергов жараёни устидан умумий назоратни кучайтириш имкони туғилганлиги ҳам тергов ҳаракатлари сифатининг ошишига, ушбу жараёнда қонунийликнинг таъминланишига омил бўлмоқда.

**Ўрол МУҲАММАДИЕВ,**
**ИИВ ТББ бошқарма бошлиғи, полковник.**

УМРИНГИЗГА БАРАКА!



# САОДАТГА ЕТАКЛАГАН ЙЎЛ

**Умрини юрт тинчлиги, осойишталигига бағишлаган, эл-юрт ҳурмат-эътиборини қозониб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган фидойи инсонлар ҳақида сўз юритар эканмиз, уларнинг нурли ҳаёт йўлларини ёшларга ибрат қилиб кўрсатгимиз келади. Зеро, юртга муҳаббат, садоқат, ҳалол меҳнат ва саботгина инсоннинг юзини ёруғ, ҳурматини баланд қилади. Ана шундай фидойи инсонлардан бири истеъфодаги полковник Назир ота Иброҳимовдир. У киши яқинда табаррук 85 ёшни қарши оладилар.**

Назир отанинг ҳаёт йўлига назар солар эканмиз, унинг қилган меҳнатлари самараси салмоқли эканлигининг гувоҳи бўламиз.

Н. Иброҳимов ўрта мактабни битиргач, бир муддат жамоа хўжалигида ишлади. Сўнгра болалик орзуси – қонун ҳимоячиси бўлиб етишиш учун астойдил ҳаракат қилди. Интилишлари бесамар кетмади. Олий маълумотли ҳуқуқшунос дипломини қўлга олгач, дастлаб участка вакилининг ёрдамчиси бўлиб ишлади. Шу жараёнда ўзининг билимли, тиришқоқ эканлигини намоён қилди. Ундаги изланувчанлик ва ташаббускорлик раҳбарлар эътиборидан четда қолмади, албатта.

Н. Иброҳимов 1955 йилдан Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов бошқармасида терговчи вазифасида фаолият юрита бошлади. Маълумки терговчи бўлиб ишлаш кишидан катта маҳорат, чуқур билим, юксак савия, масъулият талаб қилади. Негаки, фуқаро тақдирини одилона ҳал этиш кўп жиҳатдан унга боғлиқ бўлади. Вазифасига виждонан ёндашиши, ўз ишини пухта билиши туфайли Назиржон тез орада кўпчиликнинг эътиборига тушди. Кейинроқ республика ИИВ, Сирдарё вилояти ИИБда масъулиятли вазифаларда ишлаб, ўзига билдирилган ишончни оқлади.

Жиззах вилояти энди ташкил қилинган пайтлар. Табиийки, вилоят ИИБ фаолиятини йўлга қўйиш учун кўп ишларни амалга ошириш зарур эди. Бошқармага ходимларни жамлашдек масъулиятли вазифа унга юклатилди. Аниқроғи, 1974 йилда Н. Иброҳимов Жиззах вилояти ИИБ кадрлар бўлимига бошлиқ қилиб тайинланди. У қисқа муддатда бошқармага малакали мутахассисларни жамлашга муваффақ бўлди. Н. Иброҳимовнинг касб маҳорати, ташкилотчилик қобилияти айни шу кезларда ёрқин намоён бўлди.

Узоқ йиллар ички ишлар идораларида хизмат қилиб, юрт тинчлиги, осойишталигига муносиб ҳисса қўшган отахон ҳозирда фарзандлар, невараларнинг ардоғида. Турли соҳавий хизматларда муваффақиятли фаолият кўрсатаётган кўплаб шогирдлари тез-тез отахонни йўқлаб туришади.

Истеъфодаги полковник Назир Иброҳимов нафақат ибратли ходим, балки намунали оила бошлиғи, талабчан ва меҳрибон ота ҳам бўлган. Турмуш ўртоғи Фарида ая билан бирга фарзандларини юртга, элга фойдаси тегадиган инсон қилиб тарбиялагани эса кишида ҳавас уйғотади. Бугунги кунда ўғиллари – подполковниклар Бахтиёр Иброҳимов республика ИИВда, Равшан Иброҳимов эса Жиззах вилояти ИИБ ЁХБда хизмат қилмоқда.

– Аввало, шу кунларга етказганига шукур. Шу даражага етишимда полковниклар А. Сламецкий, Н. Раевский, М. Местеров сингари устозларим, генерал-майорлар Шариф Ҳасанбоев, Неъмат Ибрагимовларнинг хизматлари беқиёс бўлган. Улардан бир умр қарздорман, – дейди Назир ота.

Ҳа, юртга қилинган хизмат, пок виждонлик ва ҳалоллик кишини ҳамиша улуғлаган, саодатга етказган. Истеъфодаги полковник Назир ота Иброҳимовнинг ҳаёт йўли эса бунинг ёрқин исботидир, десак муболаға бўлмас.

**Умида БОЛЛИЕВА,**
**«Постда» мухбири.**

ЙЎЛ, ҲАЙДОВЧИ, ПИЁДА

# «ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ КУНИ»

Фарғона вилояти ҳудудида «Ҳаракат хавфсизлиги куни» тадбирлари ўтказилмоқда. Унга вилоят ИИБнинг барча соҳавий хизматлари, шаҳар-туман ички ишлар идоралари ходимлари жалб этилган. Бундан кўзланган мақсад йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини бузаётган, айниқса, йўловчи ташишга мўлжалланган транспорт воситалари эгаларига нисбатан кескин чоралар кўриш, уларнинг масъулиятини ошириш, шунингдек, ҳар бир ҳайдовчи йўл ҳаракати қоидаларига амал қилишини таъминлашдир.

Тадбир доирасида аҳолига транспорт хизмати кўрсатувчи корхоналар раҳбарлари, йўловчи ташувчи транспорт воситаларининг ҳайдовчилари билан кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, йўловчи ташиш билан шуғулланувчи уюшмаларнинг олдида турган вазифалар, хизмат кўрсатиш маданиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

**Бўрибой ОМОНЗОДА,**
**подполковник.**

*Фарғона вилояти.*

ИИВ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАРЛАРИ

## ЗЎРАВОН

Халқимиз азалдан болажон ҳисобланади. Аммо болаларни хуш кўрмайдиган, аксинча, уларга зўравонлик қилишга уринадиган шахслар ҳам учраб турар экан. Хоразм вилоятининг Янгиариқ туманида яшовчи 6-синф ўқувчиси Н. Комил кўчада велосипедда юрганида бир киши уни тўхтатди. Сўнгра пичоқ билан қўрқитиб, ёнидаги «Нокия» русуми уяли телефони ва «Урал» русумли велосипедини тортиб олди.

Туман ИИБ ходимлари томонидан кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида ушбу жиноятни муқаддам судланган, аммо тавбасига таянмаган О. Аброр содир этганлиги аниқланди.

## ДЕВОР ОША КИРДИ

Уй бекаси Т. Дилфуза сигирга ем бериш учун оғилхонага борганида сигири жойида йўқлигини кўриб қай аҳволга тушганини тасаввур қилиш қийин эмас. Кимдир девор оша кириб, сигирини ўғирлаб кетгани аниқ эди. Дилфуза зудлик билан Бухоро вилояти Вобкент тумани ИИБга ариза билан мурожаат қилди.

Ички ишлар ходимлари ўғрини бир зумда қўлга олишди. У шу тумандаги фермер хўжалиги ишчиси Л. Мурод бўлиб чиқди. Ёши бир жойга бориб қолганда ножўя ишга қўл урган бу фуқаро қонун олдида жавоб беради.

## АВТОМОБИЛДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида номаълум шахслар А. Сардорнинг уйи олдида жойлашган гараж эшигини калит танлаш йўли билан очиб, у ердан «ВАЗ-2106» русумли автомашинани ўғирлаб кетишди. Ички ишлар ходимлари ушбу жиноятни Ш. Комил ва Д. Жавлон содир этганини аниқлашди.

## НОМАРД ҲАЙДОВЧИ УШЛАНДИ

Фарғона вилояти Охунбобоев туманида номаълум ҳайдовчи автомашинада йўловчи Д. Музаффарни уриб юбориб, воқеа жойидан қочиб кетди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида йўловчига ёрдам бериш ўрнига жуфтакни ростлаган ҳайдовчи К. Баҳодир ушланди. Унинг «ВАЗ-2106» русумли автомашинаси ашёвий далил сифатида олинди.

**Ё. БОБОЖОНОВ,**
**лейтенант.**

ЗАРРАБИН ОСТИДА

# ҚИЛНИ ҚИРҚ ЁРИБ

***Эксперт-криминалистика хизмати ички ишлар идоралари тизимида муҳим бўғинлардан бири саналади. Баъзи жиноятларни эксперт иштирокисиз фош этишни тасаввур қилиш қийин. Мазкур хизматда фаолият олиб бораётган ходимлар энг аввало, сабр-бардошли, чуқур билимли, малакали, илм-фан ютуқларини пухта эгаллаган, замонавий компьютерлар билан тиллаша оладиган бўлишлари керак.***

Бўлинмамизда ана шундай хислатларга эга ходимлар кўпчиликни ташкил этади. Улар асосан жиноят содир этиб воқеа жойидан яширинган шахсларнинг фотосуратини махсус техникалар ёрдамида ишлаб чиқишиб, тегишли хизмат ходимлари билан ҳамкорлик қилишади.

Вилоят ИИБ ЭКБ таркибидаги шахсни идентификация қилиш бўйича автоматлаштирилган бўлинма томонидан ўтган йили жиноят иши ва тезкор-қидирув йўналиши бўйича 542 та сўровнома махсус рўйхатдан ўтказилди. Шахси номаълум бўлган жасадлар махсус компьютер тизимига киритилиб, уларнинг тахминий фотосуратлари ишлаб чиқилди. Натижада 32 та жасаднинг шахси аниқланди.

Маълумки, жиноятлар ичида энг катта хавф туғдирадиган туридан бири қотилликдир. Уни фош этишда кўп меҳнат қилиш, изланишга тўғри келади. Ўтган йили бўлинмамиз ходимларининг аниқ берган маълумотлари асосида ўндан зиёд жиноятлар фош этилди. Жумладан, Олтинкўл туманида она-боланинг жасади топилди. Тезкор ходимларнинг саъй-ҳаракатлари билан жасадларнинг шахси аниқланиб, улар қўшни туманда яшаганлиги маълум бўлди. Эндиги вазифа қотилнинг шахсини аниқлаш эди. Гувоҳлардан бирининг уч-тўрт кун аввал ўлдирилган аёл билан бирга кўришган эркак кишининг тахминий кўриниши асосида унинг фотосурати ишланди. Ушбу фотосуратни кўрган ҳудуд профилактика инспектори ва посбонлар сардори бу муқаддам судланган, Даврон эканлигини маълум қилишди.

Излаган имкон топади, деганларидек бўлинма ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида турли жиноятларнинг «иссиқ изида» очилишига эришилаяпти. Улар ўз маҳоратларини ошириш мақсадида ЭКБнинг ўқув синфидаги дарсликлар, услубий қўлланмалар, кўргазмали воситалардан кенг фойдаланиб, ўз билим ва тажрибаларини ошириб бормоқдалар. Бўлинманинг капитан Баҳодир Воҳидов, лейтенант Камолиддин Мамасолиев сингари ходимлари ўз вазифаларига масъулиятни ҳис этган ҳолда ёндашиб хизмат қилмоқдалар.

**Улуғбек МАДРАҲИМОВ,**
**капитан.**
**Азизхон БУЗРУКОВ,**
**журналист.**

*Андижон вилояти.*

КИНОЛОГИЯ ХИЗМАТИ

# «БИЛЛ» ҒОРГА ЧОРЛАДИ

**... Ўша оқшом бутун шахсий таркиб оёққа турди. Сўфи Оллоёр қадамжосида қотиллик содир бўлган, зиёрат қилиш учун келган карияни ўлдириб кетишган эди.**

Тезкор-тергов гуруҳига Олтинсой тумани ИИБ ЖТСГ кичик инспектори, кичик сержант Азим Менгқобилов ««Билл»» лақабли хизмат ити билан жалб этилди. Кинологнинг ишораси билан ис ола бошлаган жонивор чақир тошлар томон йўналди. У ерда... ўн ёшлардан ошган қизчанинг жасади ётарди.

Энди «Билл» изни бошқа томондан қидиришга киришди. Ўша йўналишда ер ости гори бўлиб, унга тунда кириш осон эмасди. Ҳар дақиқа хатарли, чунки қотил шу ерга яширинган бўлса кўнгилсизлик келиб чиқиши мумкин эди. Аммо вақтни бой бериш ҳам мумкин эмасди. «Билл» ғорга йўл бошлади. Азим унга ортиқча овоз чиқармасликни «уқтириб» борарди. Жонивор эгасига итоат этди. Азим Менгқобилов, шунингдек, туман ИИБ ЖҚ ва УЖҚҚБ тезкор вакили, капитан Ўткир Менгноров, профилактика инспектори, капитан Шукрулло Давлатов ғор бўйлаб юришди. Бир оз юришгач, бир нечта тош кўчиб, кўнгилсизлик келиб чиқишига озгина қолди. Аммо гуруҳ аъзолари эҳтиёткорлик билан олдинга силжиди. 200 метрлар чамаси юрилгандан кейин «Билл»нинг ҳаракатлари ўзгарди. Азим билдики, қотил шу ерда. У шерикларига нимадир деб шивирлади. Капитан Ў. Менгноров ҳар эҳтимолга қарши автоматни жанговар ҳолатга келтирди. Ит қоронғида бир қўланкага ташланди.

– Қўлингни кўтар! Ушбу буйруқ ғор ичида акс садо бериб жаранглади. Шифтдан майда тошлар туша бошлади. Аммо қўланка итоаткорлик билан буйруққа бўйсунди. Ит иккинчи кишига ташланди. У ўн икки, ўн уч ёшлардаги ўсмирин эди. Шундан сўнг «Билл» тин олди. Суриштирувларда қўлга олинганлар отабола эканлиги тасдиқланди.

Бу кичик сержант Азим Менгқобиловнинг фаолиятидан бир лавҳа, холос. Унинг ички ишлар идораларидаги фаолиятига ўн йилдан ошди. Бир қанча вақтдан бери «Билл», Барс лақабли хизмат итларини хизматга тайёрлаш ва ихтисослаштириш билан шуғулланиб келаяпти. Жониворлар эгасини уялтирган пайт бўлмаган. Қуролярoғ ва наркотик моддаларни қидириб топишда уларга тенглаша оладиган ит йўқ. Хоразм вилоятида ўтказилган кинологларнинг республика кўпкураш баҳсида «Билл» «Антитеррор» йўналиши бўйича биринчи ўринни эгаллагани фикримизнинг тасдиғидир.

**Сафарали ОМОНТУРДИЕВ,**
**«Постда» мухбири.**

*Сурхондарё вилояти.*

POSTDA·TV

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР 18–24-may

«O'ZBEKISTON» ЯКШАНБА, 22.20
«Модильяни». Б/ф.



«TOSHKENT» ЯКШАНБА, 21.00
«Тристан ва Изольда». Б/ф.



# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

*Келгуси ҳафта учун*

### ҚЎЙ

Ҳафтанинг биринчи ярмида қўлга киритилаётган даромад ва сарф-харажатларни чамалаб олишни маслаҳат берамиз. Пулни тежаб сарфланг. Акс ҳолда молиявий режалар амалга ошмай қолиши мумкин. Ҳамёнингизга пул туширишнинг янги йўлларини излашга уринасиз. Атрофдагилар билан мулоқотда эътиборлироқ бўлинг.

### СИГИР

Мураккаб вазиятлар юзага келганда ўзингизни қўлга олишга ўрганинг. Саъй-ҳаракатларингиз самара бераётганига ишонч ҳосил қилишингиз зарур. Омадсизлик сабабларини аниқласангиз, ишларингиз юришиб кетади. Мазкур ҳафта дўстлар билан кўнгилли суҳбат қуриш учун қулайдир.

### ЭГИЗАКЛАР

Ҳафта давомида вужудингизни қамраб олган ҳадикдан халос бўлишингизга тўғри келади. Бироқ ноўрин ўй-хаёллар уни янада кучайтириши мумкинлигини унутманг. Мазкур даврнинг иккинчи ярми кўнгилли кечиши кутилмоқда. Билим ва маҳоратингизни янада ошириш учун олдингизга аниқ вазифалар қўйиб олишингиз лозим. Саёҳатларга бориб, дунёқарашингизни кенгайтиришга эришасиз.

### ҚИСҚИЧБАҚА

Эски қадрдонлар билан учрашув бир олам қувонч келтиради. Амалий шериклар билан мулоқотда эҳтиёткорликни унутманг. Ўзингизда шубҳа туғдирган таклифларга ҳеч иккиланмай рад жавобини беринг. Чала қолган ишларни бажариб, режаларни кўнгилдагидек уддалайсиз. Руҳий ҳолатингизни яхшилашда мутахассис маслаҳати асқотади.

### АРСЛОН

Ҳафтанинг биринчи ярмида юлдузларнинг жойлашуви асосий мақсад ва вазифаларни кўриб чиқишга ундайди. Бунда ўзгалар таъсирига берилмай, ўз тажрибангизга таянган ҳолда иш тутинг. Шанба ва якшанба кунлари муҳим масалалар бўйича бир тўхтамга келасиз. Куч-қувватингизни керакли нарсаларга сарфлашга ҳаракат қилинг.

### БОШОҚ

Бой тажриба ва билимингиз кўзланган мақсадга эришишда қўл келади. Эътиборли бўлинг, шунда хатога йўл қўймайсиз. Ишхонада янги имкониятлар юзага келиши кутилмоқда. Хизмат пиллапоясидан юқорилашингиз мумкин. Ҳамкасбларингиз сиздан ўз ёрдамини аямайди. Яқин кишингизга кўнглингизни очишингиз эҳтимолдан ҳоли эмас.

### ТАРОЗИ

Олинган қарз ва мерос билан боғлиқ масалалар ўз ечимини топади. Эҳтиросли ўйинларда иштирок этмаганингиз маъқул. Муттасил муолажалар кутилган натижани беради. Кундалик юмушларни қийналмай, тўла-тўкис бажариш учун ўзингизда етарли куч-қувват топа оласиз. Кўнгилли танишувлар кутилмоқда.

### ЧАЁН

Анча узоқлашиб кетган яқинингизни учратиб қолишингиз эҳтимолдан ҳоли эмас. Унутилаёзган муносабатларни тиклашга уринманг. Йўл қўйилган хатолар тегишли хулоса чиқаришга ундайди. Ипотека ва кредит бўйича қилаётган саъй-ҳаракатларингиздан кўнглингиз тўлади. Шахсий ҳаётингизда омад кулиб боқади.

### ЁЙ

Саломатлигингизни тиклашга кўпроқ эътибор беринг. Сизни қийнаётган нохушликлар ишхонадаги муаммолар билан боғлиқ бўлса, янги иш жойи ҳақида ўйлаб кўришингиз керак. Мазкур ҳафта мулоқотларга бой кечади. Турмуш ўртоғингиз билан вақтингиз кўнгилли ўтиши кутилаяпти.

### ТОҒ ЭЧКИСИ

Бадиий ижодга бўлган қизиқишингиз ортиб боради. Ҳамёнингизга қараб иш кўришга ҳаракат қилинг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида сизни янги танишувлар кутмоқда. Яқин кишингиз билан кўнгилли саёҳатга боришингиз мумкин. Ишларингиз юришиб, даромад келтирадиган ишларга қўл урасиз.

### ҚОВҒА

Тўпланиб қолган уй юмушларини бажаришга эътибор беринг. Оила аъзоларингиз билан ҳамжиҳатликда иш кўрсангиз омад кулиб боқади. Кўчмас мулкдан даромад оласиз. Сизни кўнгилли харидлар кутмоқда. Яқинларингиздан совға олиб, кўнглингиз кўтарилади. Етти кун давомида борлиғингизни хуш кайфият тарк этмайди.

### БАЛИҚ

Ҳафтанинг бошида эски танишингизни учратиб қолиб, муҳим маълумотни қўлга киритасиз. Икир-чикирларга беларво бўлинг, бу саломатлигингиз учун фойдалидир. Дўстлар даврасидаги суҳбат, табиат бағридаги ҳордиқ кайфиятингизни кўтариб юборади. Дам олиш кунлари ота-онангизни йўқлашни маслаҳат берамиз.

## «O'zbekiston»

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 «Изҳор».
7.10 ТелеТеатр: «Ғариблар».
7.50 «Олтин мерос».
8.00 «Таҳлилнома».
8.40 «Робин Гуд». Т/с.
9.20 «Маънавият» дастури. «Болалар сайёраси»:
10.20 «Болалар дунёси».
10.40 «Дугоналар». М/ф.
10.50 ТВ - анонс.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.10 «КиноТеатр».
11.40 «Юртим бўйлаб» дастури: «Тупроқдаги мўъжиза».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Иқлим».
12.55 Миллий кино: «Орзу ортида».
14.00 «Ахборот».
14.15 «Ватанпарвар».
14.55 «Олам ва одам» дастури: «Тирик сайёра».
15.45 «Заковат».
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ - анонс.
17.15 2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. «Обод манзиллар». «Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 «Олтин мерос».
18.05 Т/с «Алишер Навоий».
18.35 ТВ - анонс.
18.40 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ҳисор қўриқхонаси».
18.55 «Бир кун».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.25, 19.55, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». (рус).
20.00 ТВ - анонс.
20.05 «Йигит кўнгли». Т/с.
20.45 «Ватанимни куйлайман».
20.50 ТВ - анонс.
21.00 «Ахборот».
21.30 Эркин мавзу.
21.50 «Робин Гуд». Т/с.
22.40 «Иқлим».
22.45 «Олам ва одам» дастури: «Тирик сайёра».
23.35 «Мари Лестер». Т/с.
00.25 Тунги наволар.

**«Uzbekistan»**

00.35 Кўрсатувлар дастури.
00.40 «Обод манзиллар».
01.00 «Ахборот». (рус).
01.30 ТВ - анонс.
01.35 «Бир кун».
02.00 «Маънавият» дастури.
04.00 «Ахборот».
04.30 ТелеТеатр: «Ғариблар».
05.10 «Икки дарё оралиғида».
05.30 «Очун».
05.40 Тонгги наволар.

## «Yoshlar»

14.55 «Yoshlar» саломи».
15.00 «Камолот».
15.10 Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига: «Тошкент музейлари».
15.15 «Муйқалам сеҳри».
15.40 «Ўзбегим».
15.55 «Онажон Тошкентим».
16.00 «Давр».
16.10 «Афсона ва ҳақиқат».
17.00 «Даврнинг боласи».
17.10 «Троллар ўлкаси». М/ф.
17.30 «Мароқли химия».
17.40 «Илҳом қанотлари».
17.45 Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Қишлоқ ва таълим».
17.55 «Ўзбек адабиёти».
18.00 «Тафаккур чироғи».
18.10 Миллий сериал: «Ҳаёт сабоқлари».
18.45 «UzEX».
18.50 «Тошкент – 2200».
19.00 «Давр».
19.30 «Ўғирланган орзу». Т/с
20.20 «Автопатруль».
20.40 «Тасвир ва таассурот».
21.00 «Шамоллар мусаввири». Т/с.
21.50 «Ўзбек адабиёти».
21.55 «Тошканди азим».
22.00 «Давр».
22.30 Киноклассика: «Анна Каренина».
23.45 «Юрт тинчлиги».

## «Тошкент»

14.55 Кўрсатувлар тартиби.
15.00 «Пойтахт».
15.20 «Анонс».
15.25 «Тошкент – 2200».
15.30 «КИНОТАКДИМ».
15.55 «Анонс».
16.00 «Оталар». Б/ф.
17.30 «Тошкент – 2200».
17.35 «Карвонсарой».
17.45 «Ака-ука Гриммлар». М/ф.
17.55 «Телекурьер-маркет».
18.15 «Аёл қалби».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
19.40 Бизнес-«Пойтахт».
19.45 «Уйларим».
19.50 «Саломат бўлинг». (рус).
20.00 «Пойтахт». (рус).
20.20 «Тошкент ва тошкентликлар». Бевосита мулоқот.
21.00 «Милагрос». Т/с (рус).
21.30 «Пойтахт».
21.50 «Анонс».
21.55 «Телекурьер-маркет».
22.15-23.40. «Дик ва Жейн». Б/ф.

## «Sport»

**Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан, 18 май куни «Sport» телерадиоканали ўз кўрсатувларини 18.00 дан бошлайди.**

18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Умид ниҳоллари».
18.30 «Хабарлар». (рус).
18.55 История ФИФА.
19.10 «АЗИЯ ЛОТО».
19.50 Теннис.
20.55 «Футбол шарҳи».
21.30 «Хабарлар».
21.55 Интерфутбол.
23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## «Первый канал»

4.00, 8.05 «Доброе утро».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.40, 2.00 Новости.
8.30 «Малахов +».
9.30 Модный приговор.
10.25 Контрольная закупка.
11.15 «АГЕНТ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ». Фильм.
12.20 «Детективы».
13.00 Другие новости.
13.25 Понять. Простить.
14.15 «Хочу знать».
14.50 «Давай поженимся!».
15.55 Федеральный судья.
17.20 Т/с «СЛЕД».
18.05 «Жди меня».
18.55 «Богатая и любимая». Фильм.
20.00 «Время».
20.30 «Охота на Берию». Фильм.
21.35 «Свои чужие дети».
22.35 «Познер».
23.55 Гении и злодеи.
0.25, 2.05 Фильм «Дерево Джошуа».
2.20 Комедия «Маманя, Бюст и Живчик».

## «Россия»

4.00 Доброе утро, Россия!
7.55 «Холодная война. Суперагент «Топаз».
8.50 Фильм «Его батальон».
9.50, 13.00, 16.00, 19.00, 22.50, 3.45 Вести.
10.50 Мультфильм.
11.05 Фильм «Его батальон».
13.40 Фильм «Сюрприз».
15.30 «КУЛАГИН И ПАРТНЕРЫ».
17.00 «ОДНАЖДЫ БУДЕТ ЛЮБОВЬ». Телесериал.
18.00 «КАРМЕЛИТА. ЦЫГАНСКАЯ СТРАСТЬ». Телесериал.
19.50 Спокойной ночи, малыши!
20.00 Драма «Иван Грозный».
21.50 «Городок».
23.10 Фильм «Дельцы».
0.45 Фильм «Грязная война».
2.15 «Холодная война. Суперагент «Топаз».
3.00 Комната смеха.

## НТВ

5.00 «Сегодня утром».
8.00 Квартирный вопрос.
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 22.00 Сегодня.
9.25 Чрезвычайное происшествие.
10.00 Следствие вели.
11.00 Суд присяжных.
12.35 Сериал «ВОЗВРАЩЕНИЕ МУХТАРА».
14.30 Чрезвычайное происшествие.
15.30 Детектив «АДВОКАТ».
17.30 Чрезвычайное происшествие.
18.30 Сериал «ЗАХВАТЧИКИ».
20.15 Детектив «ВЕРСИЯ».
21.10 Честный понедельник.
22.20 Сериал «МЕРТВЫЕ ДО ВОСТРЕБОВАНИЯ».
23.15 «Школа злословия».
22.45 Футбольная ночь.
0.40 Детектив «КРОВАВАЯ ПОДПИСЬ».
2.30 Комедия «ПЛОХОЙ ПАРЕНЬ».
4.10 Сериал «ВСЕ ВКЛЮЧЕНО».

## ТВ 3

7.00 Мультфильмы.
10.00, 19.05 «ЧЕЛОВЕК-НЕВИДИМКА». Телесериал.
11.00 Д/ф «Городские легенды. Екатеринбург. Наследство чернокнижника».
12.00 Х/ф «ЧЕРНАЯ ВДОВА».
14.00 Х/ф «ОПОЛЗЕНЬ».
16.00 Д/ф «Разрушители мифов».
16.50 «Упс!»
17.15 «ПСИ-ФАКТОР». Телесериал.
18.10 «ВАВИЛОН 5». Телесериал.
20.00 «МОЯ ЛЮБИМАЯ ВЕДЬМА». Телесериал.
21.00 Д/ф «Тайные знаки. Куплю дом с привидениями».
22.00 Д/ф «Затерянные миры. Загадка «Копья судьбы».
23.00 Х/ф «ТЕПЛОВОЙ УДАР».
1.00 «ЗВЕЗДНЫЕ ВРАТА». Телесериал.
2.00 «ПСИ-ФАКТОР». Телесериал.
3.00 Д/ф «Разрушители мифов».
4.00 Х/ф «ВОССТАВШИЙ ИЗ АДА-5. ПРЕИСПОДНЯЯ».
6.00 Relaks.

## ТНТ

5.00 Танцы без правил.
6.00 Такси.
6.30, 10.00 «Никелодеоны».
7.00, 0.35 «Привет! Пока!»
7.30 «Убойная лига».
8.30 «Убойной ночи».
9 00 «Женская лига». Комедия.
9.30, 12.30, 17.00, 18.30, 19.00 «СЧАСТЛИВЫ ВМЕСТЕ». Комедия.
12.00 Такси.
13.00 Линия успеха.
13.30, 20.00, 23.00, 1.35 «Дом-2».
15.25 «КОСМИЧЕСКИЙ ДОЗОР: ЭПИЗОД 1» Комедия.
17.30, 19.30 «УНИВЕР». Ситком.
18.00 Такси.
21.00 Комедия «ОДНОКЛАССНИЦЫ».
23.30 «Убойной ночи».
0.05 «БУНКЕР, ИЛИ УЧЕНЫЕ ПОД ЗЕМЛЕЙ». Сериал.
2.25 «Необъяснимо, но факт». «Города-призраки».
3.20 «Запретная зона».
4.15 «САША + МАША». Комедия.

## СТС

7.00 «ЭВРИКА». Фильм.
7.55, 14.30 Мультсериалы.
8.30, 10.30, 18.00, 20.00 Комедия «ПАПИНЫ ДОЧКИ».
9.00, 21.00 «РАНЕТКИ». Драмеди.
10.00 Истории в деталях.
11.00, 17.00 «Галилео».
12.00 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
13.00 «КОМИССАР РЕКС». Фильм.
14.00 Комедия «ДОМ КУВЫРКОМ».
16.30 Комедия «ВСЕ ТИПТОП, ИЛИ ЖИЗНЬ ЗАКА И КОДИ».
18.30 «КАДЕТСТВО». Драмеди.
19.30 «6 кадров».
22.00 «ЛЮБОВЬ - НЕ ТО, ЧТО КАЖЕТСЯ...» Драмеди.
23.00 Кино «ОХОТНИКИ ЗА ПРИВИДЕНИЯМИ».
1.00 Песня дня.
1.30 «Кино в деталях».
2.30 Кино «ПОХИЩЕНИЕ».
4.05 «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЯ». Фильм.

## ДТВ

7.00 Клуб детективов.
7.55 Музыка.
8.00 Мультфильмы.
9.30 Тысяча мелочей.
10.00, 15.00, 22.00 «Вне закона».
10.30, 17.00 Детектив «МОРСКАЯ ПОЛИЦИЯ: СПЕЦОТДЕЛ-2».
11.30 Фильм «ПОД МАСКОЙ БЕРКУТА».
13.30 «Смешнее, чем кролики».
14.00, 18.00 Судебные страсти.
15.30, 19.00, 22.30 Детектив «БЕЗМОЛВНЫЙ СВИДЕТЕЛЬ».
16.00 Детектив «СЛЕД».
19.30, 2.00 Детектив «ДЕНЬ РОЖДЕНИЯ БУРЖУЯ
20.30 «Самое смешное видео».
21.00 «Брачное чтиво».
23.00 Детектив «СЛЕД».
0.00 Детектив «ЗАКОН И ПОРЯДОК: СПЕЦИАЛЬНЫЙ КОРПУС-7».
1.00 «Голые приколы».
1.30 «Карданный вал +».

## 7 ТВ

6.00 7.00 «7 новостей».
6.05 X-treme 99,9.
7.05 Экстрим: начало века.
7.35 Outrageous and Courageous.
Профилактика.
18.00, 19.00, 20.00, 21.00, 22.00, 23.00, 0.00, 1.00, 2.00, 3.00, 4.00, 5.00 «7 новостей».
18.05 Футбол. Кубок Голландии. Финал. «FC Twente» - «Heerenveen».
20.05 Под водой с...
20.20 Off-Road Drive.
20.35 Звезда автострады.
21.05, 5.05 Мировой футбольный уик-энд.
21.20 Итальянский футбол. Обзор серии «А».
21.35 NHL. Ежедневный обзор.
22.05 NBA Live!
22.20 Классика: Премьер-лига.
23.05 Дартс.
0.05 Мировая спортивная неделя.
0.35 Диалоги о рыбалке.
1.05 Покер.
2.05 Интерактивное шоу «Ночной выигрыш».
3.05, 4.05 Спортмания.
5.15 Outrageous and Courageous.
5.30 Веселые старты.

## «O'zbekiston»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.05 «Изҳор».
7.10 ТелеТеатр: «Эргинамнинг орзуси».
7.50 «Олтин мерос».
8.00 «Ахборот».
8.30 «Робин Гуд». Т/с.
9.20 «Маънавият» дастури.
10.20 «Цирк, цирк, цирк».
10.35 «Мулкдор».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ - шифокор».
11.15 «Йигит кўнгли». Т/с.
11.50 «Ахборот». (инглиз).
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.55 Т/с «Алишер Навоий».
13.25 «Юртим бўйлаб» дастури: «Чанқовуз».
13.40 «Пинг ва Понг». М/с.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Эъзоз».
14.40 «Тараққиёт ва фаровонлик сари».
15.00 «Олам ва одам» дастури: «Ер сайёраси».
15.55 «Минг бир ривоят».
16.00 «Ҳамон ёдимда...»
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Юрт меҳри».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.00 «Олтин мерос».
18.05 Т/с «Алишер Навоий».
18.35 «Аждодлар мероси - келажак пойдевори». 2-қисм.
19.00 «Бир жиноят изидан».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.30 «Ахборот». (рус).
20.05 «Йигит кўнгли». Т/с.
20.45 «Соз сеҳри».
21.00 «Ахборот».
21.30 «Хонадон».
21.55 «Робин Гуд». Т/с.
22.50 «Олам ва одам» дастури: «Ер сайёраси».
22.40 «Мари Лестер». Т/с.
23.30 Тунги наволар.

**«Uzbekistan»**

23.40 «Замондошим».
23.55 «Ҳамон ёдимда...»
00.35 «Хонадон».
01.00 «Ахборот». (рус).
01.30 «Ёшлар майдони».
02.00 «Маънавият» дастури.
04.00 «Ахборот».
04.30 ТелеТеатр: «Эргинамнинг орзуси».
05.10 «Икки дарё оралиғида».
05.30 «Очун».
05.40 Тонгги наволар.

## «Yoshlar»

6.55 «Yoshlar» саломи».
7.00 «Ёшлар майдони».
7.30 «Қишлоғимга хат».
7.35 «Миллий мультфильм».
7.45 «Тошканди азим».
7.50 «Уйимдаги фариштам».
8.10 Т/с «Ҳаёт сабоқлари».
8.45 «Ўзбек адабиёти».
8.50 «Тошкент таронаси».
9.00 «Даврнинг боласи».
9.10 «Мароқли биология».
9.20 «Қувноқ дўмбоқчалар».
9.35 «Автопатруль».
9.55 «UzEX».
10.00 «Давр».
10.10 «Ўғирланган орзу». Т/с.
10.55 «Тафаккур чироғи».
11.00 «Мўъжизавий дунё».
11.50 «Ҳаёт қадри».
12.20 «Ғолиб». Т/с.
12.55 «Ўзбек адабиёти».
13.00 «Давр».
13.10 «Тасвир ва таассурот».
13.30 «Шамоллар мусаввири». Т/с.
14.20 «Олтин тупроқ».
14.30 «Эверест».
15.00 «Ёшлар майдони».
15.30 «Тошкент таронаси».
15.35 «Ўзбегим».
15.55 «Қишлоғимга хат».
16.00 «Давр».
16.10 «Афсона ва ҳақиқат».
17.00 «Даврнинг боласи».
17.10 «Мароқли химия».
17.20 «Троллар ўлкаси». М/ф.
17.40 «Илҳом қанотлари».
17.45 «Қишлоқ ва таълим».
17.55 «Ўзбек адабиёти».
18.00 «Тафаккур чироғи».
18.10 Миллий сериал: «Ҳаёт сабоқлари».
18.45 «UzEX».
18.50 «Тошкент – 2200».
19.00 «Давр».
19.30 «Ўғирланган орзу». Т/с.
20.20 «Чемпион».
20.40 Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Қишлоқдаги қадрдон».
21.00 «Шамоллар мусаввири». Т/с.
21.55 «Тошканди азим».
22.00 «Давр».
22.30 Киноклассика: «Бургунд қасри сирлари».
00.00 «Юрт тинчлиги».

## «Тошкент»

7.25 «Салом, Тошкент!»
8.25 Бизнес-«Пойтахт».
8.30 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
9.20 «Карвонсарой».
9.30 «Пойтахт».
9.40 «Тошкент – 2200».
9.45 «Интервью». (рус).
10.00, 17.55, 21.55 «Телекурьер-маркет».
10.20 «Тошкентда латифа».
10.30 «Пойтахт». (рус).
10.40 «Милагрос». Т/с (рус).
11.10 «Тошкент – 2200».
11.20 «Агарда». Б/ф.
12.50 «Дурдона».
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
14.55 «Ягонамсан, Тошкентим!»
15.00 «Пойтахт».
15.20 «Галактика». Ҳ/ф.
16.10 «Нафосат олами».
16.20 «Стюарт Литтл-2». Б/ф.
17.35 «Карвонсарой».
17.45 «Ака-ука Гриммлар». М/ф.
18.15 «Тошкент- 2200».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
19.40 «Бизнес-«Пойтахт».
19.45 «Репортаж».
19.55 «Тошкент – 2200».
20.00 «Пойтахт». (рус).
20.20 «Иқтисод-ревью». (рус).
20.30 «Хотира-буюк қадрият».
21.00 «Милагрос». Т/с (рус).
21.30 «Пойтахт».
22.15 «Автомобилдан сақланинг». Б/ф.

## «Sport»

7.00 «Бодрое утро».
7.50 «Тет-а-тет».
8.00 «Хабарлар» (рус)
8.20 «Малахов +».
9.05 Т/с «Теннис академияси».
9.30 «Хабарлар»
9.55 Футзал.
10.50 Бел олиш кураши.
11.25 ФУТБОЛ. «АЛ ҲИЛОЛ» – «ПАХТАКОР».
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Спорт – менинг ҳаётим».
18.30 «Хабарлар» (рус)
18.55 «Спорт салтанати».
19.15 Теннис.
20.10 Футбол. Обзор матчей чемпионата Италии.
20.45 «Ринг қироллари».
21.30 «Хабарлар»
21.55 ФУТБОЛ. «ШАХТЁР» – «ВЕРДЕР».
23.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## «Первый канал»

4.00, 8.05 «Доброе утро».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 22.40, 2.00 Новости.
8.30 «Малахов +».
9.30 Модный приговор.
10.25 Контрольная закупка.
11.15 «АГЕНТ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ». Фильм.
12.20 «Детективы».
13.00 Другие новости.
13.25 Понять. Простить.
14.15 «Хочу знать».
14.50 «Давай поженимся!».
15.55 Федеральный судья.
17.20 Т/с «СЛЕД».
18.05 «Пусть говорят».
18.55 «Богатая и любимая». Фильм.
20.00 «Время».
20.30 «Охота на Берию». Фильм.
21.35 «Человек и закон».
22.55 Судите сами с Максимом Шевченко.
23.45 Фильм «Король Калифорнии».
1.25, 2.05 Фильм «Зардоз».
3.15 Сериал «Спасение».

## «Россия»

4.00 Доброе утро, Россия!
7.55 «Валерий Ободзинский. Неизвестная исповедь».
8.50, 10.55 Т/с «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ».
9.50, 13.00, 16.00, 19.00, 22.50, 3.45 Вести.
10.45 Мультфильм.
12.00 Телесериал «ГОНКА ЗА СЧАСТЬЕМ».
13.40 Детектив «МАРШ ТУРЕЦКОГО».
14.35 Суд идет.
15.30 «КУЛАГИН И ПАРТНЕРЫ».
17.00 «ОДНАЖДЫ БУДЕТ ЛЮБОВЬ». Телесериал.
18.00 Т/с «КАРМЕЛИТА. ЦЫГАНСКАЯ СТРАСТЬ».
19.50 Спокойной ночи, малыши!
20.00 Драма «Иван Грозный».
21.50 «Исторические хроники» с Николаем Сванидзе. «1976. Устинов».
23.10 Фильм «Без вины виноватые».
1.45 Телесериал «БОЛЬШАЯ ЛЮБОВЬ-2».
2.40 Телесериал «ЛЮДИ В ДЕРЕВЬЯХ».
3.25 «Городок».

## НТВ

5.00 «Сегодня утром».
8.00 «ПОВАРА И ПОВАРЯТА».
8.30 «Женский взгляд».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 22.00 Сегодня.
9.20 Русские не сдаются!
10.00 Сериал «КРОВАВЫЙ КРУГ».
11.00, 23.45 Суд присяжных.
12.35 Сериал «ВОЗВРАЩЕНИЕ МУХТАРА».
14.30, 17.30 Чрезвычайное происшествие.
15.30 Сериал «АДВОКАТ».
18.30 Т/с «ЗАХВАТЧИКИ».
20.15 Сериал «ВЕРСИЯ».
21.10 «ЕЩЕ РАЗ ПРО ЛЮБОВЬ... К ЮБИЛЕЮ ЛЮБОВИ ПОЛИЩУК».
22.20 Сериал «МЕРТВЫЕ ДО ВОСТРЕБОВАНИЯ».
23.10 Авиаторы.
0.45 Фильм «ПЕРЕД РАССВЕТОМ».
2.50 Особо опасен!
3.20 Т/с «ЧУЖОЕ ЛИЦО».
4.15 Сериал «ВСЕ ВКЛЮЧЕНО».

## ТВ 3

7.00 Мультфильмы.
10.00, 19.05 Т/с «ЧЕЛОВЕК-НЕВИДИМКА».
11.00, 3.00 «ГЛАВНЫЙ КАЛИБР». Телесериал.
12.00 Д/ф «Тайные знаки. Войны будущего. Пророчества генерала».
13.00 Д/ф «Путешествие на тот свет».
14.00, 20.00 Т/с «МОЯ ЛЮБИМАЯ ВЕДЬМА».
15.00 Д/ф «Затерянные миры. Загадка города Афродиты».
16.00 Д/ф «Разрушители мифов».
16.50 «Упс!»
17.15 Т/с «ПСИ-ФАКТОР».
18.10 Т/с «ВАВИЛОН 5».
21.00 Д/ф «Тайные знаки. Похищение улыбки Моны Лизы».
22.00 Д/ф «Затерянные миры. Кладбище динозавров».
23.00 Х/ф «СОТВОРИТЬ МОНСТРА».
1.00 «ЗВЕЗДНЫЕ ВРАТА». Телесериал.
2.00 «Покер после полуночи».
4.00 Х/ф «ЛЕШИЙ».
6.00 Relaks.

## ТНТ

5.00 Танцы без правил.
6.00, 12.00, 18.00 Такси.
6.30, 10.00 «Никелодеоны».
7.00, 0.20 «Привет! Пока!»
7.30 «Убойная лига».
8.30, 23.20 «Убойной ночи».
9.00 «Женская лига». Комедия.
9.30, 12.30, 17.00, 18.30, 19.00 «СЧАСТЛИВЫ ВМЕСТЕ». Комедия.
13.00 Линия успеха.
13.30, 20.00, 22.45, 1.20 «Дом-2».
15.05 «ПЕНЕЛОПА» Комедия.
17.30, 19.30 «УНИВЕР». Ситком.
21.00 Комедия «СПРОСИТЕ СИНДИ»
23.50 «БУНКЕР, ИЛИ УЧЕНЫЕ ПОД ЗЕМЛЕЙ». Фантастика.
2.15 «Необъяснимо, но факт».
3.10 «Запретная зона».
4.05 «САША + МАША». Комедия.

## СТС

7.00 «ЭВРИКА». Фильм.
7.55, 14.30 Мультсериалы.
8.30, 10.30, 18.00, 20.00 Комедия «ПАПИНЫ ДОЧКИ».
9.00, 21.00 «РАНЕТКИ». Драмеди.
10.00, 1.30 Истории в деталях.
11.00, 22.00 «ЛЮБОВЬ - НЕ ТО, ЧТО КАЖЕТСЯ...» Драмеди.
12.00 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
13.00 «КОРОЛИ ИГРЫ». Комедия.
14.00 Комедия «ДОМ КУВЫРКОМ».
16.30 Комедия «ВСЕ ТИПТОП, ИЛИ ЖИЗНЬ ЗАКА И КОДИ».
17.00 «Галилео».
18.30 «КАДЕТСТВО». Драмеди.
19.30, 0.50 «6 кадров».
23.00 Кино «ЭТО ВСЕ ОНА».
1.00 Песня дня.
2.00 Кино «КЛОУНЫ-УБИЙЦЫ ИЗ КОСМОСА».
3.35, 5.05 «ДОКТОР КТО». Фильм.
5.50 Комедия «ДЖИНН ДОМА».

## ДТВ

7.00 Клуб детективов.
7.55 Музыка.
8.00 Мультфильмы.
9.30 Тысяча мелочей.
10.00, 15.00, 22.00 «Вне закона».
10.30, 17.00 Детектив «МОРСКАЯ ПОЛИЦИЯ: СПЕЦОТДЕЛ-2».
11.30 Фильм «ГУСАРСКАЯ БАЛЛАДА».
13.30, 20.30 «Самое смешное видео».
14.00, 18.00 Судебные страсти.
15.30, 19.00, 22.30 Детектив «БЕЗМОЛВНЫЙ СВИДЕТЕЛЬ».
16.00, 23.00 Детектив «СЛЕД».
19.30, 2.00 Детектив «ДЕНЬ РОЖДЕНИЯ БУРЖУЯ».
21.00 «Брачное чтиво».
0.00 Детектив «ЗАКОН И ПОРЯДОК: СПЕЦИАЛЬНЫЙ КОРПУС-7».
1.00 «Голые приколы».
1.30 «Карданный вал +».
3.00 Клуб детективов.
5.00 Детектив «СЛЕДСТВИЕ ВЕДЕТ ДА ВИНЧИ».
5.50 Детектив «ДЕТЕКТИВ НЭШ БРИДЖЕС».

## 7 ТВ

6.00 Super-утро.
11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.00, 20.00, 21.00, 22.00, 23.00, 0.00, 1.00, 2.00, 3.00, 4.00, 5.00 «7 новостей».
11.05 Мини-футбол. Чемпионат России. Суперлига. «Спартак-Щелково» - «Тюмень».
12.05, 19.05, 22.05, 1.20 NBA Live!
12.20, 17.05, 21.35, 1.05 NHL. Ежедневный обзор.
12.35 Киберспорт.
13.05, 17.35, 21.05 Диалоги о рыбалке.
13.20 Football League Show.
14.05 Racing World.
14.35 Автоспорт России.
15.05 Off-Road Drive.
15.20 Ралли-рейды России.
15.35 Под водой с...
16.05 Диагноз: горы.
16.20 Предельная глубина.
16.35 Планета рыбака.
17.20 Клуб покорителей пространства.
18.05 Мировая футбольная неделя.
18.35 Мир подводной охоты.
19.20 Основной инстинкт.
19.35 История NHL.
20.05 Классика: NHL.
21.20 Zero Graviti.
22.20 FIBA.
23.05 NBA 360.
0.05 Покер.
1.35, 5.15 Outrageous and Courageous.
2.05 Интерактивное шоу «Ночной выигрыш».
3.05, 4.05 Спортмания.
5.05 Только не это!
5.30 Веселые старты.

## «O'zbekiston»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.10 Миллий кино: «Тоғлик куёв».
7.55 «Олтин мерос».
8.00 «Ахборот».
«Болалар сайёраси»:
8.40 «Ёнғоқ новдаси». М/ф.
9.00 «Замонавий ўзбек мусиқаси».
9.25 «Шукрона».
9.55 «Минг бир ривоят».
10.00 «Зиё» студияси: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
10.20 1. «Чинсен». 2. «Маўрит».
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 «Йигит кўнгли». Т/с.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.05 Т/с «Алишер Навоий».
13.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Қандай гўзал бу дунё».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Хандалак». Ҳажвий кўрсатув.
14.40 «Пианиночи ҳақида афсона». Б/ф.
16.45 «Минг бир маслаҳат».
«Болалар сайёраси»:
17.05 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.30 «Оҳанрабо».
18.10 «Саломатлик сирлари».
18.30 «Воқеа».
19.00 «Рангин дунё».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.30 «Ахборот». (рус).
20.05 «Йигит кўнгли». Т/с.
20.40 «Шарқ тароналари».
21.00 «Ахборот».
21.40 Тошкент – 2200. «Тарих кўзгуси».
22.00 «Жодугар». Б/ф.
23.45 Тунги наволар.

**«Uzbekistan»**

24.00 «Рангин дунё».
00.20 «Замонавий ўзбек мусиқаси».
00.40 «Тарих кўзгуси».
01.00 «Ахборот». (рус).
01.30 «Ёшлар майдони».
02.00 Миллий кино: «Мафтунингман».
03.20 «Оҳанрабо».
04.00 «Ахборот».
04.35 Миллий кино: «Ғаройиб ҳодиса».
05.40 Тонгги наволар.

## «Yoshlar»

6.55 «Yoshlar» саломи».
7.00 «Ёшлар майдони».
7.30 «Қишлоғимга хат».
7.35 «Миллий мультфильм».
7.45 «Эй, синфдош!»
7.50 «Уйимдаги фариштам».
8.10 Миллий сериал: «Ҳаёт сабоқлари».
8.45 «Ўзбек адабиёти».
8.50 «Тошкент тароналари».
9.00 «Даврнинг боласи».
9.10 «Мароқли биология».
9.20 «Динотопия». Б/ф.
9.50 «Тошкент – 2200».
9.55 «UzEX».
10.00 «Давр».
10.10 «Ўғирланган орзу». Т/с.
10.55 «Тафаккур чироғи».
11.00 «Айланай...»
11.30 Миллий кино: «Уйин».
12.40 «Ўзбек адабиёти».
12.45 «Юртим юраги».
12.55 «Қишлоғимга хат».
13.00 «Давр».
13.10 «Қишлоқдаги қаддон».
13.30 «Шамоллар мусаввири». Т/с.
14.20 «Таранум».
15.00 «Ёшлар майдони».
15.30 «Шарқ дарвозаси».
15.35 «Ўзбегим».
15.55 «Тошканди азим».
16.00 «Давр».
16.10 «Кўзгу». Ҳажвия.
16.35 «Тошкент тароналари».
16.40 «Чемпион».
17.00 «Даврнинг боласи».
17.10 Миллий кино: «Азиз».
18.10 «Бугундан эсдалик».
18.30 «Қишлоқ тараққиёти».
18.45 «Қишлоғимга хат».
18.50 «Тошкент – 2200».
19.00 «Давр».
19.30 «Ўғирланган орзу». Т/с.
20.20 «Ўзбегим матолари».
20.40 «Ёшлар киноси».
21.00 «Шамоллар мусаввири». Т/с.
21.55 «Тошканди азим».
22.00 «Давр».
22.30 Жаҳон киноси: «Сиам жангчилари».
00.10 «Юрт тинчлиги».

## «Тошкент»

7.25 «Салом, Тошкент!»
8.25 Бизнес-«Пойтахт».
8.30 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
9.20 «Карвонсарой».
9.30 «Пойтахт».
9.40 «Тошкент – 2200».
9.45 «Интервью».
9.55 «Уйларим».
10.00 «Телекурьер-маркет».
10.20 «Саломат бўлинг!»
10.30 «Пойтахт». (рус).
10.40 «Милагрос». Т/с (рус).
11.10 «Афиша». (рус).
11.20 «Анонс».
11.25 «Вақтдан ўзиб». Б/ф.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
14.50 «Открытая дверь».
15.20 «Тошкент – 2200».
15.25 «Ғаройиб тўти Полли». Б/ф.
16.50 «Мулоҳаза учун мавзу».
17.20». Чашмалар»Т/ф.
17.35 «Карвонсарой».
17.45 «Афиша».
17.55 «Телекурьер-маркет».
18.15 «Истеъдод».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
19.40 Бизнес-«Пойтахт».
19.45 «Репортаж».
19.55 «Тошкентда латифа».
20.00 «Пойтахт». (рус).
20.20 «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили». Давлат дастурининг ижроси юзасидан «Тошкент.
ва тошкентликлар».
21.00 «Милагрос». Т/с (рус).
21.30 «Пойтахт».
21.55 «Телекурьер-маркет».
22.15 «Истиқомат ҳуқуқи». Б/ф.

## «Sport»

8.00 «Бодрое утро».
8.50 «Тет-а-тет».
9.00 «Хабарлар». (рус).
9.25 «Соғлом оила».
10.00 «Хабарлар».
10.25 Футзал. Ўзбекистон кубоги.
11.15 «Фоторевю».
11.35 «Рондо». Ток шоу.
12.20 Х/ф «Дорога к славе».
14.15 «Рақибингиз гроссмейстер».
18.00 «Жасур болалар».
18.30 «Хабарлар» (рус)
18.55 «Военное дело».
19.15 «Баркамол авлод».
19.30 Теннис.
20.30 «Файтер». Восточные единоборства.
20.55 «Ring»да Майк Тайсон – Лоренс Бойд.
21.30 «Хабарлар».
21.55 Интерфутбол.
23.30 Тунингиз осуда бўлсин!»

## «Первый канал»

5.00, 9.00, 11.00 Новости.
5.10 Фильм «Малыш-каратист 3».
7.15 «Играй, гармонь любимая!».
8.00 «Слово пастыря».
8.15 «Здоровье».
9.20 Смак.
10.00 «Шарль Азнавур. Жизнь в любви».
11.10 Фильм «Самый последний день».
12.55 «Тихие зори Бориса Васильева».
14.00 Ералаш.
14.20 Фильм «Если можешь, прости...».
15.50 «Любовь Полищук. Женщина-праздник».
16.55 «Большая разница».
18.00 К 95-летию Аллы Баяновой. «Лети, моя песня».
20.00 «Время».
20.15 «Прожекторперисхилтон».
20.50 Фильм «Багровые реки».
22.45 Фильм «Обратная тяга».
1.05 Комедия «День Благодарения».
2.45 Фильм «Любовь зла».
3.55 Сериал «Спасение».

## «Россия»

4.30 Фильм «С любимыми не расставайтесь».
5.45 Вся Россия.
6.00 Сельский час.
6.30 Диалоги о животных.
7.00, 10.00, 13.00, 19.00 Вести.
7.20 «Военная программа».
7.45 Субботник.
8.20 Мультфильмы.
10.20 «Формула власти».
10.50 Очевидное - невероятное.
11.20 Комната смеха.
12.15 Сенат.
13.30 Комедия «Кадриль».
15.15 Субботний вечер.
17.10, 19.45 Фильм «Право на помилование».
21.35 Фильм «Курортный роман».
23.30 Фильм «Агент 007. Завтра не умрет никогда».
1.40 Фильм «Рок-звезда».
3.25 Комната смеха.
4.15 «Ха». Маленькие комедии.

## НТВ

4.50 Фильм «ДИКАЯ ЯРОСТЬ ТАРЗАНА».
6.10 Мультсериал.
6.30 Сказки Баженова.
7.00, 9.00, 12.00, 15.00, 18.00 Сегодня.
7.20 «Золотой ключ».
7.45 «Без рецепта».
8.20 Смотр.
9.20 Главная дорога.
9.55 «Кулинарный поединок».
11.00 Квартирный вопрос.
12.25 Особо опасен!
13.05 «Кремлевские похороны». ВАСИЛИЙ СТАЛИН».
14.05 Своя игра.
15.25 «Женский взгляд».
16.00 Сериал «ЗАКОН И ПОРЯДОК».
18.25 Профессия - репортер.
18.50 «Программа максимум».
19.50 «Русские сенсации».
20.40 Ты не поверишь!
21.30 Комедия «ТИПА КРУТЫЕ ЛЕГАВЫЕ».
23.45 Боевик «КЛОУН. ДЕНЬ ПЛАТЕЖА».
1.45 Фильм «ПРИТЯЖЕНИЕ СУДЬБЫ».
3.50 Сериал «ВСЕ ВКЛЮЧЕНО».

## ТВ 3

7.00 Мультфильмы.
9.30 Х/ф «ЧЕРЕЗ ТЕРНИИ К ЗВЕЗДАМ».
12.45 «ПРИКЛЮЧЕНИЯ ИНДИАНЫ ДЖОНСА». Телесериал.
14.45 Д/ф «В поисках затерянных миров».
15.45 Х/ф «ЧЕЛЮСТИ 2008: МУТАНТЫ».
19.00 Д/ф «Варвары: франки и лангобарды».
21.00 Х/ф «АНГЕЛ-МСТИТЕЛЬ».
22.45 Х/ф «УЖАС ЛОХНЕССА».
0.45 Х/ф «ТРОЛЛЬ».
2.45 Х/ф «ЖУКИ».
4.45 Х/ф «АНГЕЛ-МСТИТЕЛЬ».
6.30 Релакs.

## ТНТ

5.00 Мультсериалы.
7.25 «САША + МАША». Комедия.
8.00, 20.00, 0.45, 2.15 «Дом-2».
9.00 «Школа ремонта».
10.00 «Как вырастить гения». Д/ф.
11.00 «Тело на заказ». Д/ф.
12.00 Клуб бывших жен.
13.00 «Cosmopolitan».
14.00 «Comedy Woman».
15.00 Кино «СЧАСТЛИВОЕ ЧИСЛО СЛЕВИНА».
17.10 «Женская лига». Комедия.
18.30 «Атака клоунов».
19.00 «Битва экстрасенсов».
21.00 «Комеди Клаб».
22.00 «Наша Russia».
22.30 «Убойная лига».
23.40 «Убойной ночи».
0.15 «Секс» с Анфисой Чеховой.
1.15 «Привет! Пока!»
3.10 «Необъяснимо, но факт».
4.05 «Запретная зона».

## СТС

7.00 «НЕУКРОТИМОЕ СЕРДЦЕ ВЕРОНИКИ». Фильм.
8.50, 11.45 Мультфильмы.
9.20, 13.30 Мультсериалы.
10.00 «Детские шалости».
17.00 «6 кадров».
18.00 Кино «МУЖЧИНА МОЕЙ МЕЧТЫ».
20.00 Комедия «ПАПИНЫ ДОЧКИ».
22.00 Кино «МЫШИНАЯ ОХОТА».
23.50 «6 кадров». Комедийный сериал.
0.30 «Слава богу, ты пришел!»
1.45 Кино «НАЦИЯ ФАСТФУДА».
4.05 Кино «ПОКА ЛОЖЬ НЕ РАЗЛУЧИТ НАС».
5.40 Комедия «ДЖИНН ДОМА».

## ДТВ

7.00 Клуб детективов.
7.55 Музыка.
8.00 «Как уходили кумиры». «Инна Гулая».
8.30 «Как уходили кумиры». «Николай Еременко-младший».
9.00 Тысяча мелочей.
9.20 Предприниматель.
9.30-12.10 Мультфильмы.
12.30 Фильм «ГУСАРСКАЯ БАЛЛАДА».
14.30 «Каламбур».
15.30 Х/ф «МИЛЛИОН ЛЕТ ДО НАШЕЙ ЭРЫ».
17.30 Детектив «БЛИЗНЕЦЫ».
19.30 «Смешнее, чем кролики».
20.00 «Брачное чтиво».
21.00 Фильм «ВОЗДУШНЫЕ ПИРАТЫ».
23.00 Детектив «СЛЕД».
0.00 Детектив «C.S.I. МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ МАЙАМИ-6».
1.00 «Брачное чтиво».
1.30 «Смешнее, чем кролики».
2.00 Х/ф «МИЛЛИОН ЛЕТ ДО НАШЕЙ ЭРЫ».
4.00 Клуб детективов.
6.00 Комедия «АГЕНТСТВО «АЛИБИ».

## 7 ТВ

6.00 Super-утро.
11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.00, 20.00, 21.00, 22.00, 23.00, 0.00, 1.00, 2.00, 3.00, 4.00, 5.00 «7 новостей».
11.05 Классика: NHL.
12.05, 19.05, 22.05, 1.20 NBA Live!
12.20, 17.05, 21.35, 1.05 NHL. Ежедневный обзор.
12.35 Евросерия F-3. Обзор 1-го этапа.
13.05, 21.05 Диалоги о рыбалке.
13.20 Мир подводной охоты.
13.35 Под водой с...
14.05 Автоспорт России.
14.20 DTM. Обзор 1-го этапа.
15.05 Суперкубок Seat Leon. Обзор 1-го этапа.
15.20 Volvo Ocean Race.
16.05 Off-Road Drive.
16.20 Porsche Carrera. Обзор 1-го этапа.
16.35 Volkswagen Polo. Обзор 1-го этапа.
17.20 Ралли-рейды России.
17.35 Звезда автострады.
18.05 Классика: Премьер-лига.
18.35 Киберспорт.
19.20 Охота в Новом Свете.
19.35 История NHL.
21.20 Планета рыбака.
22.20 Wrestling: опасная зона.
23.05 X-treme 99,9.
0.05 Пул.
1.35, 5.15 Outrageous and Courageous.
2.05 Интерактивное шоу «Ночной выигрыш».
3.05, 4.05 Спортмания.
5.05 Только не это!
5.30 Спортивная неделя Подмосковья.
5.45 Спорт собак.

МАЪРИФАТ ДАРСИ

# ГИЁҲВАНДЛИК ҲАМКОРЛИКДА КУРАШНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

***Ўтган асрнинг янги асрга мерос қолдирган иллатларидан бири бу —шубҳасиз, гиёҳвандлик бўлди. Аслида одамзод бундай касалликка бир неча юз йил илгари мубтало бўлган. Мозийнинг гувоҳлик беришича, бундан олти юз йил олдин ҳам наркотик моддалар истеъмол қилинган. Тарихий манбаларда айрим ёвуз кимсалар ўзларининг жирканч мақсадларини наркотик моддалар таъсирига тушиб қолган кишилар ёрдамида амалга оширишга уринганликлари ҳақида ҳам маълумотлар бор. Чунки гиёҳвандлик кишига лаҳзалар давомида сархушлик бахш этади, бора-бора марказий асаб тизимини фалаж қилиб, уни ўлимга маҳкум қилади. Афсуски, бир пайтлар кашф этилган "қора ажал" инсоният цивилизациянинг юқори нуқтасига кўтарилган бугунги кунга келиб тобора кўпроқ кишиларни ўз домига тортаётир. Гиёҳвандлик дардига мубтало бўлган минглаб одамлар лаҳзалик сархушлик, сохта бахтиёрлик ортидан оиласи, яқинларидан ажрамоқда, гул умрини хазонга айлантирмоқда. Наркотик моддаларни истеъмол қилиши оқибатида дунёда ҳар йили минглаб кишиларнинг ёстиғи қуримоқда.***

Наркобизнес катта даромад келтирувчи манбалардан биридир. Шу боис наркотик моддалар дунёнинг турли қитъаларида етиштирилиб, тарқатилаётир. Ундан келган маблағ асосан қурол-яроғ сотиб олиш, терроризм ва уюшган жиноятчиликни қўллаб-қувватлаш ҳамда наркоагрессия кўламини кенгайтиришга сарфланяпти. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, наркотик моддаларни етиштириш ва уларнинг ноқонуний айланиши бўйича Афғонистон нафақат қитъадаги, балки дунёдаги етакчи мамлакатлардан бири бўлиб қолмоқда. Оддий мисол, ер юзида етиштирилаётган героиннинг 92 фоизи Афғонистон «ҳиссаси»га тўғри келади.

Сир эмас, ўтган асрнинг 70-йиллари охирига келиб Афғонистон турли сиёсий кучларнинг геосиёсий манфаатлари тўқнашган майдонга айланди. Ўттиз йилдан буён давом этаётган беқарор вазият, бетиним жангу жадаллар мамлакат иқтисодини издан чиқарди, халқ хўжалигини таназзулга учратди, аҳолини қашшоқлаштириб, кишиларнинг тинч, осуда ва фаровон ҳаётга бўлган ишончини йўқотди. Президентимиз Ислом Каримов нуфузли минбарлардан туриб жаҳон ҳамжамияти эътиборини бир неча бор афғон инқирозига қаратган. Юртбошимиз дунё жамоатчилигини Афғонистонни қайта тиклаш, жафокаш афғон халқини тинч-осуда ҳаётга қайтариш ва ҳалол меҳнат қилиши учун тегишли шарт-шароит яратишга чақирган. Президентимиз мазкур муаммони тинч йўл билан ҳал қилишда дунёнинг йирик давлатлари билан бир қаторда минтақадаги қўшни давлатлар, шунингдек, йирик сиёсий кучлар иштирокини таъминлаш хусусидаги нуқтаи назарни ўртага ташлаганида бу ҳаётий тўғри қарашлар ер юзидаги етакчи сиёсий марказларнинг таҳлилчилари томонидан юксак эътирофга сазовор бўлди.

Шубҳасиз, қўшни Афғонистонда юзага келган мураккаб ижтимоий-сиёсий вазият мамлакатда наркобизнеснинг жадал суръатларда ривожланишига замин яратди. Йиллар давомида бу ерда наркотрафикнинг ўзига хос инфратузилмаси шаклланди: наркотик моддаларни тайёрлаш, белгиланган манзилга етказиш ва истеъмолчиларга сотишдек мураккаб жараён занжирсимон кўринишдаги тизим асосида олиб борилмоқда.

Бугунги кунда қўшни давлатда етиштирилаётган наркотик моддалар бир неча йўналиш бўйича дунёнинг турли ҳудудларидаги истеъмолчиларга етказилмоқда. Ана шу йўналишлар орасида "Шимолий маршрут" дея ном олган йўл айнан Марказий Осиё минтақасидаги давлатлар ҳудудидан ўтган. Мазкур йўналиш наркотик моддалар савдоси билан шуғулланувчи гуруҳлар учун Афғонистонда ишлаб чиқарилган гиёҳванд моддаларни Россия ва Европа мамлакатларига етказиб беришда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Шубҳасиз, гиёҳвандлик ҳамкорликда курашни талаб этади. Зеро, бу иллат чегара билмайди, миллат танламайди. У бир давлат, бир минтақа ҳудудида қолиб кетмайди. Шу маънода наркобизнесга қарши курашиш бўйича халқаро фаолиятни мувофиқлаштиришда Ўзбекистон муҳим ўринни эгаллайди. Мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда фаоллик кўрсатмоқда. Наркоэкспансияга қарши кураш мақсадида гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи трансмиллий гуруҳларни излаб топиш, уларнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйиш, контрабанда йўлларини тўсиш, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликлар экиладиган майдонларни йўқ қилиш ва наркоманиянинг ёйилишини олдини олиш борасида махсус комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази ишлаб турибди.






Мамлакатимизда ҳар йили "Қорадори" деб номланган кенг қамровли тадбирлар ўтказилмоқда. Бундай тадбирлар давомида гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ кўплаб ҳолатлар аниқланиб, жиноятчилар қўлга олинмоқда. 2007 йилда республикамиз бўйича наркотик моддалар билан боғлиқ жами 9435 та жиноят аниқланган эди. 2008 йилда бу кўрсаткич 10200 тани ташкил этди. 2008 йилда 3 тонна 550 килограмм ноқонуний айланишда бўлган наркотик модда мусодара қилинди. Бу 2007 йилдагидан 1 тонна 436 килограмм кўп демакдир.

2007 йилда ўтказилган "Қорадори" операциясида таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимлик ўстириш билан боғлиқ 1163 та ҳолат аниқланган эди. Ўтган йилги тадбирда аниқланган бундай ҳолатлар сони 1298 тани ташкил этди.

Хўш, сўнгги йилларда юртимизда мусодара қилинаётган гиёҳванд моддалар ҳажмининг кўпайишига нима сабаб бўлмоқда? Бу ҳолатни икки муҳим омил билан изоҳлаш мумкин. **Биринчидан,** мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан наркотикларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш самарали олиб борилмоқда.

**Иккинчидан,** наркобизнес билан шуғулланадиган, халқаро алоқаларга эга жиноий гуруҳларнинг фаоллашгани кузатилаётир. Бошқача айтганда, Афғонистонда ишлаб чиқарилган гиёҳванд моддаларни шимолий йўналишга янада кўпроқ йўналтирилиши оқибатида Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Ўзбекистонда ҳам наркотик моддалар билан боғлиқ вазият мураккаблашмоқда. Хавотир уйғотадиган ва хатарли жиҳати шундаки, транзит қилинаётган гиёҳванд моддаларнинг минтақада қолаётган миқдори йил сайин ортмоқда. Давлат ва жамият манфаатларига зид бу ҳолат ўз навбатида кўплаб иродаси заиф кишиларнинг гиёҳвандлик иллатига чалинишига, жисмонан ва руҳан мажруҳ бўлишига олиб келмоқда. Бу ҳолат пировард натижада жиноятчиликнинг сезиларли даражада ошиши билан бирга бошқа ижтимоий муаммоларни туғдираётир.

Қайд этиш жоизки, катта миқдордаги наркотик моддаларни халқаро ташкилотларнинг вакиллари, жамоатчилик, маҳаллий ва халқаро оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида йўқ қилиш мамлакатимизда анъана тусини олган. Бу амалиёт илк бор 1994 йилда бошланганди. Ўшанда 14 тонна наркотик модда ёқиб юборилган. Мамлакатимизда шу пайтга қадар жиноий ишлар бўйича ашёвий далил сифатида олинган 42 тонна гиёҳванд модда суд ҳукмлари кучга кирганидан сўнг барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари вакиллари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Наркотикларни назорат қилиш бўйича давлат комиссияси аъзолари томонидан йўқотилди.

Яқинда Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги заводлардан бирида мусодара қилинган гиёҳвандлик воситаларини йўқ қилиш бўйича навбатдаги тадбир бўлиб ўтди. Унда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Наркотик моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, журналистлар ҳозир бўлишди. Идоралараро комиссия аъзолари иштирокида 1711 килограмм наркотик воситалар, жумладан, 501,2 килограмм героин, 1104 килограмм опий, 90,5 килограмм наша, 11,3 килограмм марихуана, шунингдек, катта миқдордаги кўкнори похоли, наша ўсимлиги, хапдори ва эритмалар шаклидаги психотроп воситалар Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати томонидан ҳукумат топшириғига кўра ёқиб юборилди.

Улкан домна печлардан юқорига кўтарилаётган қора тутунни кўриб-кузатиб, куйиб кул бўлаётган бу заҳри қотил минг-минглаб кишиларни заҳарламаганига шукр қилдик. Ушбу тадбирда қатнашган халқаро мутахассислар ва хорижнинг нуфузли оммавий ахборот воситалари журналистлари Ўзбекистоннинг наркобизнесга қарши олиб бораётган кескин курашини юқори баҳолашди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда гиёҳвандликка қарши курашда йўлга қўйилган идоралараро ҳамкорлик ўз самарасини бермоқда. Республика Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Божхона қўмитаси ва прокуратура идораларининг ҳамкорликда олиб бораётган саъй-ҳаракатлари туфайли гиёҳванд воситалар савдоси ва уларни етиштириш билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олишда катта ютуқлар қўлга киритилмоқда. Бу борадаги фаолиятни мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази томонидан амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Наркотикларни назорат қилиш бўйича давлат комиссияси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, бошқа ваколатли вазирлик ва идоралар билан наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш, гиёҳвандлик иллати тарқалишининг олдини олиш, идоралараро ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият бермоқда. Аҳолининг турли гуруҳлар ўртасида маъруза, семинар ва анжуманлар ўтказилиб, уларда ҳужжатли фильмлар намойиш қилиняпти, кўргазмали воситалар ёрдамида "қора ажал"нинг қора қилмишлари фош этилмоқда. Оммавий ахборот воситаларида мазкур жиноятларнинг олдини олиш ҳамда гиёҳвандлик иллатининг аянчли оқибатларига бағишланган юзлаб чиқишлар қилинди.

Олиб борилаётган кенг кўламли профилактик ишлар ўз самарасини беряпти. Масалан, олдинги йиллардагиси билан қиёслаганда ўтган йили наркологик диспансер рўйхатида турадиган гиёҳванд моддаларни истеъмол қилувчилар сони бирмунча камайишига эришилди. Уларнинг умумий сони 21439 кишини ташкил қилди. Бироқ бу ҳали қувонишга арзийдиган иш эмас. Бу рақамлар ортида минглаб кишиларнинг тақдири ётибди. Гиёҳвандлик иллатига мубтало бўлган биргина киши нафақат яқинлари, балки атрофидагилар ва жамият учун ҳам реал хавф туғдиравераді. Бундайлардан туғилажак авлодларнику гапирмай қўя қолайлик. Ўз қилмишлари оқибатини яхши била туриб, онгли равишда гиёҳвандлик воситаларни истеъмол қилган кишилардан яралган фарзандларнинг майиб-мажруҳ туғилишини, норасидаларнинг умрбод тўшакка михланиб ётишини, келгуси насллар ҳаётининг заҳарланишини ҳеч нарса билан оқлаб ҳам, кечириб ҳам бўлмайди. Шундай экан, душманнинг биттаси ҳам кўп, деганларидек, гиёҳвандликка ружу қўйган кишининг биттаси ҳам кўп.

Бугунги кунда республикамиз наркотик моддалар ноқонуний айланишининг олдини олиш, гиёҳвандлик воситалари савдоси билан шуғулланувчи уюшган гуруҳларга муносиб зарба бериш мақсадида қатор давлатлар билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйган. Мамлакатимизнинг ваколатли органлари ходимлари халқаро лойиҳалар доирасида Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон ҳудудида ўтказилган халқаро ўқув операциясида муваффақиятли иштирок этди. Келишувларга асосан Марказий Осиё мамлакатлари, Россия, Покистон, Италия, Туркия, Германия, Франция, Болгария, Эроннинг тегишли тузилмалари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Наркотик моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси, Марказий Осиё минтақавий ахборот-мувофиқлаштириш маркази, ЕХҲТ ва бошқа ташкилотлар билан айни йўналишда ахборот алмашинилмоқда.

Булардан ташқари, Марказий Осиё мамлакатлари, Россия, Эрон, Хитой, Польша, Италия, Покистон, Украина, Грузия, Германия, Туркия, Болгария, Латвия ва бошқа давлатлар билан икки томонлама, МДҲ, ШҲТ, Марказий Осиё минтақавий ахборот-мувофиқлаштириш маркази, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) доирасида эса кўп томонлама шартномалар амалга оширилиши наркобизнесга қарши кураш борасидаги халқаро ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, гиёҳвандлик иллатининг илдизларига болта уриш фақатгина ваколатли идоралар зиммасидаги иш эмас. У кенг кўламли ҳамкорликда курашишни талаб этади. Шундай экан, "қора ажал"га қарши курашиш, унинг йўлига ишончли гов қўйиш учун меҳнат жамоалари, таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига яқиндан ёрдам беришлари лозим. Зеро, ёш авлодни, миллий генофондимизни наркоагрессиянинг ёвуз чангалига тушиб қолишдан асраш, гиёҳвандликка қарши ҳамкорликда курашиш ҳар биримизнинг вазифамиздир.

**Норали ОЧИЛОВ,**
**ИИВ Матбуот маркази бош инспектори, лейтенант.**

*Устоз деган шарафли номга сазовор бўлиб, этагингдан тутган ёшларнинг камолини кўриш кишига ўзгача бахтиёрлик бахш этаркан.*

# ИНСОН – АЗИЗ, ХОТИРА – МУҚАДДАС

***Бугунги кунда табаррук 85 ёшни қаршилаган Оллаберган ота Тўрткўл шаҳрида истиқомат қилади. Боғёп маҳалласи фаоллари тез-тез у кишининг суҳбатидан баҳраманд бўлиб, зарур маслаҳатлар олиб туришади. Турли байрамлар ва қутлуғ саналар муносабати билан тадбир ўтказилганда отахон маҳалла ҳудудидаги 16-мактабга ташриф буюради. У йиғилганларга Иккинчи жаҳон урушида иштирок этгани ва ундан кейинги ҳаёти тўғрисида гапириб беради.***

## ЭЛ АРДОҒИДА

— Болалигим ҳақида сўзласам ўқувчилар берилиб тинглашади, — дейди Оллаберган ота. — Ниҳоятда оғир дамлар эди ўшанда. Уруш тинч турмушимизга рахна солди. Тўнғич акам дастлабки кунлар фронтга жўнаб кетган, бошқа у кишининг дийдорини кўрмадим.

У янги қурилиб, ишга туширилган икки қаватли муҳташам мактаб биносида яйраб таълим олаётган болаларни кузатар экан, урушдан кейин бировнинг ҳовлисига жойлашган ғала-ғовур синфлар, китоб-дафтар етишмасада илм олишга чанқоқ тенгдошлари, устозларини эслайди. Амин Ражабов, Исмоил Жуманиёзов, Раҳим Худойберганов каби ўқитувчилар шароит ҳар қанча оғир бўлмасин болалар пухта билим олиши учун бор имкониятларни ишга солишарди.

35 йил давомида туман ИИБда марҳум Хўжабек Сержанов, Жуманиёз Хўжаниёзов, Раззоқ Болтаев, Ашир Валиев, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган Нуржон Карашев ва бошқалар билан бирга юрт тинчлиги, осойишталиги йўлида меҳнат қилган Оллаберган Худойберганов бугун эл ардоғида. Айни пайтда ички ишлар соҳасида фаолият юритаётган шогирдлари уйига йўқлаб келиб, бир пиёла чой устида суҳбат қуриши отахоннинг кўнглини тоғдай кўтаради.



— Иккинчи жаҳон уруши фахрийси Оллаберган Худойберганов маҳалламиздаги пиру бадавлат кексалардан бири ҳисобланади. 100 ёшдан ошган Пошша момо, «Шуҳрат» медали соҳиби Саодат момолар ҳам катта обрў-эътибор топишган, — деди «Боғёп» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Султонбой Эшназаров. — Биз ҳар бир ишда уларнинг катта ҳаётий тажрибасига таянамиз.

Бугун ҳам халқ ташвиши билан яшаётган инсон, истеъфодаги катта сержант Оллаберган Худойбергановнинг мазмунли ҳаёт йўли маҳалладошларига ҳар қанча ибрат бўлса арзийди.

**Курбонбика ЮНУСОВА.**
*Қорақалпоғистон Республикаси.*

## ФИДОЙИЛАР БОР БЎЛСИН!

***Истеъфодаги подполковник Бухор Шукуров ўзи истиқомат қиладиган Янгиобод маҳалла аҳли ўртасида алоҳида ҳурматга лойиқ инсон. Ўзининг ҳисобидан кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатгани унинг ҳиммати баланд инсонлигига далилдир. Туман касалхонасига телевизор, қариялар уйига ҳам тўрт юз минг сўмлик маиший буюмлар ҳадя этгани таҳсинга сазовордир. Болалар спортини ривожлантиришдек хайрли ишга ҳам отахон бефарқ эмас. Улардан ҳам моддий кўмагини аямайди. Шу боисдан вилоят, туман миқёсидаги турли тадбирларда бу саховатпеша, ишбилармон инсоннинг номи ҳурмат билан тилга олинади ҳамда бошқаларга ибрат қилиб кўрсатилади.***

Дарвоқе, Бухор ака умрининг қарийб ўттиз йилини масъулиятли ва ўта шарафли соҳа — ички ишлар идоралари хизматига бағишлади. Қарши Давлат университетининг тарих-география факультетини тугатган Б. Шукуров дастлаб мактабда ўз мутахассислиги бўйича иш бошлади. Сўнг ички ишлар хизматига олинди.

Б. Шукуров 1985 йилгача вилоят туманларида ёнғин хавфсизлиги хизматида турли лавозимларида ишлади. Қаерда хизмат қилмасин ходимлар сонини кўпайтиришга, зарур техника воситалари билан таъминлашга диққат-эътиборини қаратди, яъни ишни янада такомиллаштиришга ҳаракат қилди.

Яккабоғ ва Чироқчи туманлари ИИБ ЁХБларига раҳбарлик қилди. Касбига фидойилиги, юрт ободлигига қўшган муносиб ҳиссаси туфайли соҳада ҳам, элдошлари орасида ҳам эъзоз топди. Қаерда ва қандай лавозимда ишламасин, эл-юрт равнақи учун хизмат қилишни ўзининг инсоний бурчи, деб билган Б. Шукуров асло кам бўлгани йўқ.

Нафақага чиққан бўлса-да, ҳамон эл хизматида бўлган Б. Шукуров уч ўғил ва бир қизнинг севимли отажони. Ўғли Ҳусан ота касбини эгаллаган. У Яккабоғ тумани ИИБ ЁХБ инспектори, капитан.

Ўз ҳаёт йўлидан мамнунлик туйган Бухор Шукуров шундай дейди:

— Албатта, ҳар бир ишнинг шарафли ва машаққатли жиҳатлари бўлади. Касбини эъзозлаган одам эса ҳар қандай қийинчиликни енга олади. Мен ҳам ҳаётда кўп синовларни, ўз навбатида, қийинчиликларни енгиб, охир-оқибат эл ҳурматига сазовор бўлдим.

Ҳа, истеъфодаги подполковник Бухор Шукуров сингари фахрийлар сафимизда борлигидан ҳар қанча қувонсак арзийди.

**Соҳибжамол АМИНОВА,**
**журналист.**
*Қашқадарё вилояти.*



**Суратда:** *(ўнгда) истеъфодаги подполковник Бухор Шукуров ўғли капитан Ҳусан Шукуров ҳамда касбдош дўстлари билан.*
**Муаллиф олган сурат.**

## ПИРУ БАДАВЛАТ ОТАХОН



Жиян отанинг хонадони ҳамиша гавжум. Бу табаррук инсонни кўриш, у билан суҳбатлашиш учун таниш-билиш, қариндош-уруғлар тез-тез келиб туришади. Фарзандлару невара-лар атрофида парвона. Хотира ва қадрлаш куни арафасида отахонни қутлаб келганларнинг кети узилмайди. Шундай иззат-икромга эришганидан мамнун Жиян ота:

— Илоҳим, менинг ёшимга етиб юринглар. Юртимиз тинч-осойишта бўлсин! — дея дуога қўл очади.

Ҳа, Жиян ота ҳам совуқ урушнинг мудҳиш оқибатларини бошидан кечирган. Иккинчи жаҳон урушига кўплар қатори отланиб, чегара қўшинларида хизмат қилади ва 1949 йилда она юртга қайтади. Кейинги бутун иш фаолияти эса ёнғин хавфсизлиги хизмати билан боғлиқ. У кўп йиллар ўт ўчирувчи-ҳайдовчи вазифасида ишлади.

— Мен хизматни бошлаган пайтимда Тошкент шаҳрида саноқли ўт-ўчириш қисми бор эди, — дея эслайди отахон. — Машиналар ҳам замонага хос. Шаҳарнинг эгри-бугри, тор кўчаларида юриш қийин бўларди. Лекин йигитлар ўт тушган хонадонни ўчиришда жонбозлик кўрсатишарди. Ҳозирги техникаларни кўриб кўзинг қувнайди.

Жиян ота нафақага чиққандан кейин жамоат ишларида фаол иштирок этди. Айниқса, ўзи истиқомат қиладиган Собир Раҳимов туманидаги Обод маҳалласини ободонлаштиришда каттаю кичикка ўрнак бўлди.

Отахон турмуш ўртоғи Талиха ая билан беш нафар фарзандни вояга етказишди. Тўрт нафар ўғилнинг бири Рўзибой Каримов кўп йиллар ички ишлар идораларида хизмат қилиб, подполковник унвони билан нафақага чиқди. Иккинчи жаҳон уруши ва ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги катта сержант Жиян ота Каримов қирқдан ортиқ невара, эваралар ардоғида кексалик гаштини суриб яшамоқда.

**Садриддин ШАМСИДДИНОВ.**
*Тошкент шаҳри.*

## УЛКАН ЧИНОР ИБРАТИ

***Чинор дарахтига эътибор берганмисиз. У тобора осмонга бўй чўзган сари илдизи ерга чуқурроқ сингади. Тошкент вилояти ИИБ фахрийси, истеъфодаги подполковник Турсун Ибрагимов ҳам ана шундай, ўзидан яхши ном, солиҳ фарзанд ва муносиб шогирдлар қолдирган улкан чинор эди, десак муболаға қилмаган бўламиз.***

– Ҳаётнинг ўзи муаллим, ҳар бир инсон умр йўлларида кўрган-кечирганларидан сабоқ олиб, тегишли хулоса чиқариб бораверади, – деган эди суҳбатларнинг бирида Турсун ота Ибрагимов. – Устоз деган шарафли номга сазовор бўлиб, этагингдан тутган ёшларнинг камолини кўриш кишига ўзгача бахтиёрлик бахш этаркан.

Табаррук етмиш ёшга етган пайтларида ҳам вилоятнинг шаҳар-туман ИИБларида фахрийлар иштирокида ўтказиладиган учрашувларда ёш ходимларга ўз тажрибалари ҳақида гапириб, ҳаётий мисоллар орқали касбни ардоқлаш, унинг масъулиятини чуқур ҳис этишга ундаган бу инсонни кўпчилик фахр билан тилга олади.

– Умр бир марта берилади, уни имкон қадар гўзал ва эзгу амаллар билан безамоқ ҳаётимизни янада нурафшон қилади. Ички ишлар соҳасида машаққатли меҳнатию Ватанга бўлган чинакам фидойилиги билан обрў топган заҳматкаш инсонлар кўпчиликни ташкил этади. Марҳум сафдошимиз Турсун Ибрагимов ана шундайлардан бири эди, – деди вилоят ИИБ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги полковник Анвар Мадаминов.

Ўзим гувоҳи бўлган бир воқеа юқоридаги фикрлар нақадар ҳақиқат эканлигини исботлайди. Вилоят ИИБ Фахрийлар кенгаши аъзоларининг Бекобод шаҳар ИИБ ходимлари билан учрашувига борганимизда Турсун Ибрагимовнинг ёнига бир ходим келиб:

– Эсингиздами, Турсун Ибрагимович, бир пайтлар мени ички ишлар идорасидан ноҳақ бўшатишганда ишга қайта тикланишим, яна севган касбимда хизмат қилишимга сабабчи бўлгандингиз. Кўриб турганингиздек, бугун подполковник даражасига эришдим. Хизматим туфайли обрў-эътибор топдим, – деди мамнун бўлиб.

Юқоридагига ўхшаш Турсун отадан яхшилик кўриб, ҳозирда ички ишлар идораларининг турли соҳаларида хизмат қилаётган ходимлар истаганча топилади. «От изини той босар», деганларидек Турсун Ибрагимовнинг кенжа ўғли Музаффар ҳам айнан ота касбини танлаган. Ҳозирги кунда майор Музаффар Ибрагимов Тошкент вилояти ИИБда хизмат қилмоқда.

– Музаффар ёшлигидан шу касбга қизиқарди. Унинг ички ишлар ходими бўлишига дадаси ҳам, мен ҳам қаршилик кўрсатмаганмиз, – дейди Озода опа. – Фақат умр йўлдошим бу соҳада ишлашга жазм қилган киши мустаҳкам иродали, қийинчиликларга чидамли бўлиши зарурлигини доим уқтирардилар.

Турсун Ибрагимов серғайрат инсон эди. У ички ишлар идораларидан нафақага чиқканидан сўнг ҳам одамлар орасида бўлишга интилди. Қарийб ўн йилга яқин ҳозирги Учтепа тумани ҳокимининг ўринбосари бўлиб ишлади. Ўша кезлари профилактика инспекторларининг маҳалла фаоллари, элнинг обрў-эътиборли кишилари билан ҳамкорликда иш олиб боришига эътибор қаратди.

Бугунги кунда истеъфодаги подполковник Турсун Ибрагимов орамизда бўлмаса-да, эзгу амаллари муносиб издошлари томонидан давом эттирилмоқда.

**Хуршид РЎЗИЕВ.**
*Тошкент вилояти.*

МАЪНАВИЯТ

# ҲАЁСИЗЛИКНИ ТАРҒИБ ҚИЛМАНГ!

Бугунги кунда инсон онгини унинг ахлоқига салбий таъсир этувчи ғоялар эгаллашининг олдини олиш, миллий қадриятларимизга нисбатан ҳурмат руҳини мустаҳкамлаш асосий вазифалардан биридир. Шуни инобатга олган ҳолда, Навоий вилояти ИИБ ҲООБ одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш билан боғлиқ ва одоб-ахлоқ доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими ходимлари томонидан вилоят ҳудудида ёшларга салбий таъсир кўрсатувчи маълумотлар тарқатилишига қарши курашиш, шу фаолият билан шуғулланаётган шахсларни аниқлаш, уларга қонуний чоралар кўриш борасида бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, Навоий шаҳридаги марказий деҳқон бозорида ўтказилган тадбир чоғида «CD» ва «DVD» дискларини сотиш шохобчасида хизмат кўрсатаётган А. Зарипов фуқаро Р. С. га 6500 сўм пул эвазига порнографик мазмундаги 26 та фильм тасвири туширилган «DVD» диск сотганлиги аниқланди.

Жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар суди томонидан А. Зариповга энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорида жарима солинди.

Ёшлар дунёқарашига салбий таъсир этувчи фильмларни тарқатиш қонун билан тақиқланганлиги ҳақида оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилинишига қарамай, бу фаолиятга кескин чек қўйилди, деб бўлмайди. 2009 йил 2 май куни Навоий шаҳридаги 11-ўрта мактаб раҳбарияти томонидан берилган маълумотга асосан ўтказилган тадбир давомида мактаб яқинидаги кўп қаватли уйлардан бирининг ертўласида жойлашган компьютер ўйингоҳида А. А. минг сўм эвазига вояга етмаган Ш. Анваровга «CD» дискда порнографик мазмундаги фильмларни ёзиб бергани маълум бўлди. Ҳуқуқбузардан ашёвий далил тариқасида бир дона минг сўмлик купюра ва «LG-Flatron» русумли компьютер жамланмаси олинди.

Моддий манфаатини кўзлаб, арзимаган пул эвазига ҳаёсизликни тарғиб этаётган шахслар ўз қилмишларининг оқибати ҳақида ўйлаб кўрсалар мақсадга мувофиқ бўларди.

**Садриддин ҲАМРАЕВ,**
**катта лейтенант.**
*Навоий вилояти.*

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

# МЕЪЁРНИ БИЛМАГАН ХЎРАНДАЛАР

***Меъёридан ортиқча ичилган ароқ инсонни ҳар кўйга солади. Бунга оилали, бир жамоани туппа-тузук бошқариб турган, Когон шаҳрилик У. Аҳмад яна бир бор амин бўлди.***

Ҳаммаси Бухоро шаҳридаги Газли шоҳкўчаси ёқасида жойлашган қаҳвахонадаги тушликдан бошланди. Жўралар бу ерга жойлашиб олгач, егуликлар, газак, ичимликлар буюрилди. Хизматчилар хўрандалар кўнглини олиш учун астойдил ҳаракат қилишди. Бирпасда стол егуликларга тўлиб, суҳбатни «қизитувчи» спиртли ичимликлар муҳайё этилди. Тўрт забардаст йигитнинг гурунги айни қизиган пайтда Умрбекнинг уяли телефони жиринглаб қолди. У гаплашгач, узр сўраб, ўрнидан турди, ишга зудлик билан бориши заруриятини айтди. Ишларини саранжомлагач, келиб уларни машинасида олиб кетишга ваъда бериб, жўнаб қолди.

Кайфи ошган жўралар унга деярли эътибор беришмади. Кулгили воқеаларни айтиб, баланд овозда кулишар, қийқириқлари атрофни тутиб кетганди. Қарсиллаган овоздан ҳамма чўчиб тушди. Аҳмад ялпайиб ўтирган елим стул синиб, у ерга чўзилиб қолганди. Қаттиқ кулги кўтарилди. Ароқнинг таъсирида аллақачон маст бўлган Аҳмад ўзи томонга келаётган қаҳвахона эгаси Ш. Очилга қўлини кўтариб, ишора қилди.

— Акамулло, узр энди, стулингизни синдириб қўйдим, хотиржам бўлинг, пулини тўлайман. Бунга кучим етади, — деди ва синган стулни оёғи билан тепиб юбориб, бошқасига ўтирди.

Очил хўрандалардан узр сўраб, Аҳмаддан тинчланишни, атрофдагиларни безовта қилмасликни илтимос қилди.

— Нималар деяпсиз, ака, жўралар билан бир ўтириб қолдик. Пулини тўлаб қўйгандан кейин шунга яраша яйрашимиз керак-да! — деди ва Очилни костюмидан тортиб ёнига ўтқизди. — Яхшиси келинг, бизга шерик бўлинг, бир отамлашайлик.

Кайфи ошган кишининг гапини икки қилиб бўладими? Очил унинг қўлини қайтармай, узатилган ароқдан бир-икки ҳўплади. Аммо Аҳмад кутилмаганда қўлидаги пиёлани ерга урди-да, бўралаб сўкинди.

— Кимни аҳмоқ қилаяпсан, қўлингга тутқазганда ҳурматингни билиб охиригача кўтар-да. Сани яхши биламан, ҳар замонда бизни қишлоққа бориб турасан. Мани танимаяпсанми?

Ўғли қатори йигитнинг қўпол муомаласи қаҳвахона эгасининг нафсониятига тегди. Унинг ёқасидан ушлаб кўчага судради. Орқа томонга ўтишгач, даҳанаки жанг муштлашувга айланди. Жанжалга Аҳмаднинг жўралари, Очилнинг ўғли ҳам қўшилди. Бу орада Аҳмаднинг шишадошлари томонидан телефон билан чақириб олинган Умрбек машинасида келиб, кайфи ошиб қолган акаси ва жўраларини олиб кетди. У акасининг қилмиши учун узр сўраб, жанжалга чек қўйгани бар эгасининг кўнглини анча хотиржам қилди. Лекин Аҳмаднинг кўнглидаги ғараз тарқамаган экан. Ярим тунда у барга келиб, Очилни ухлаб ётган жойида дўппослаб, хуморидан чиқди.

Шу тариқа туппа-тузук оила бошлиғи, зиёли, битта жамоага бош бўлган Аҳмад, қаҳвахона соҳиби Очил ва унинг 25 ёшли ўғли суднинг қора курсисига ўтиришди. Ароқнинг касри, спиртли ичимликни ортиқча истеъмол қилиш уларни эл олдидаги обрўсига путур етказди.

**Нодир МАЛЛАЕВ,**
**лейтенант.**
**Рўзигул ЙЎЛДОШЕВА.**
*Бухоро вилояти.*

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ФИРИБГАР!

# «ЮЗ ФОИЗ КАФОЛАТ БЕРАМАН»

***Мактабни битириб, шаҳодатнома олган йигит-қизлар олий ўқув юртларига ўқишга кириш тараддудини кўра бошлашади.***

***Маъсуда опа ҳам кўп қатори фарзандининг ўзи орзу қилган олий ўқув юртига кириб ўқиши тарафдори эди. Шу боис ҳам у қизини етаклаганча университетга келди.***

— Ойи, Наимаям шу ерда экан, — деди Зилола нарироқда турган танишини кўрсатиб. — У билан бориб гаплашай-чи.

— Шаҳноза опа дегани бор, ўшани кутяпман, — деди Наима она-болага юзланаркан. — Танишларимнинг айтишича, у йилига 15-20 нафар абитуриентни ўқишга тайёрлаб, барчасини олийгоҳларга жойларкан.

Маъсуда опа ва Зилола бир-бирларига маъноли қараб қўйишди.

— Истасангиз, сизни ҳам таништириб қўяман, жуда ишончли, — Наима шерик топилгани учуни хурсанд бўлиб Зилолани қизиқтиришга тушди. — Шаҳноза опа ҳам шу ерда ўқийди, ҳам сайёҳлик фирмасида ишлайди. Тўртта тилни билади.

Наманган Давлат университетининг инглиз филологияси факультетининг талабаси Шаҳноза Ҳайдарова билан қизлар шу тарзда танишишди.

Дугонасининг таърифу таҳсинидан сўнг Зилоланинг ҳам Ш. Ҳайдаровага нисбатан ихлоси ортганди. У ўзини худди ўқишга киргандек ҳис эта бошлади. Айни дамда Маъсуда опа ҳам қизининг кўнглидан ўтаётган туйғуларни англаб турарди...

— Ўқишга кириб олишингизга юз фоиз кафолат бераман, — деди қаддини ғоз тутган Шаҳноза. — Фақат 600 АҚШ долларидан берасизлар. Аввал ярмини, қолганини қизлар ўқишга кириб олганидан кейин.

Бу гапдан сўнг Зилола иккиланиб қолди. Чунки оиласида бундай имконият йўқлигини яхши биларди. «Темирни қизиғида босс», деганидек, Наиманинг отаси ҳамёнидан 100 минг сўм чиқариб:

— Яна 200 долларни бир ҳафтада етказиб келамиз, қизлар тайёргарликни бошлайверишсин, — деди у Шаҳнозага.

Ота-она фарзанди учун не кўйларга тушмайди, дейсиз. Маъсуда опа ҳам «болам ўксимасин, олийгоҳда ўқисин», дея 200 АҚШ долларини бир амаллаб топди-да, Шаҳнозага олиб борди.

... Кутилган кун ҳам етиб, тест синови натижалари эълон қилинди. Аммо ўзларини талаба деб ҳисоблаб юрган Наима ва Зилола не кўз билан кўришсинки, ўқишга кирганлар рўйхатида йўқ эди.

— Қизларнинг балини атайлаб пасайтиришган шекилли. Хавотир олманглар, ўзим аниқлик киритиб, ишни тўғрилайман, — деди Шаҳноза ота-оналар билан учрашаркан.

Аммо репетиторнинг баҳонаси ҳам, абитуриенту ота-оналар қатнови ҳам тўхтамасди.

— Яна 500 минг сўмдан берасизлар, қўшимча ўринга албатта, жойлайман, — Ш. Ҳайдарова ўз мижозлари олдида мулзам бўлишни истамасди.

Гарчи ўқишга кирolмагани аниқ бўлса-да, репетиторга ишонган ота-бола Тиллабоевлар яна амал-тақал қилиб топилган 500 минг сўмни Шаҳнозанинг қўлига тутқазишди.

Айтилган муддатда ҳам, ундан кейин ҳам улар кутган янгилик бўлмади. Ш. Ҳайдарова эса улардан олган пулларни қайтаришни пайсалга соларди.

Албатта, юртда қонун барқарор экан, фирибгарлик ортидан ўзганинг ҳаққини еб кетиш ҳолатларига асло йўл қўйилмайди. Шу маънода, Ш. Ҳайдарова юқоридаги пулларни эгасига қайтариш билан бир қаторда, қонун доирасида тегишли жазога ҳам тортилди.

Шу ўринда бир мулоҳаза юритсак. Фарзандининг ўқимишли, етук мутахассис бўлиши албатта, ҳар бир ота-она учун орзу. Аммо бу ўз-ўзидан бўладими?! Албатта, йўқ. Бунинг учун аввало, боланинг ўзида иштиёқ, иқтидор ва билим етарли бўлиши лозим. Акс ҳолда юқоридаги каби ҳолатлар юзага келишига сабабчи бўлиб қолаверамиз. Буни айтишдан мақсад, ҳадемай ўқув юртларига қабул вақти бошланади. Келинг, азиз ўғил-қизлар, аввало, ўзингизга, олган билимларингизга ишонинг. Ҳар қандай масалани ечишга «қодир бўлган» фирибгарлар тўрига илиниб қолишдан эҳтиёт бўлинг.

**Шоҳида ВАЛИЕВА,**
**Наманган шаҳар ИИБ терговчиси, лейтенант.**

НОЖЎЯ ИШ – КЕЛТИРАР ТАШВИШ

## АРМАТУРА ШАЙДОСИ

Жиноят ишлари бўйича Мирзаобод туман суди Қозоғистон Республикаси фуқароси Каноат Еленовнинг жиноят ишини кўриб чиқди.

У дастлабки тергов жараёнида аниқлашнинг имкони бўлмаган бир гуруҳ шахслар билан Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси Давлат чегарасидаги тиконли симларни ушлаб турувчи, ҳар бирининг баҳоси 13 минг 656 сўм бўлган 20 дона бетон устунларни майдалаган. Уларнинг ичидаги арматураларни олиб, яширин равишда Қозоғистон Республикаси ҳудудига олиб кетмоқчи бўлиб турганида чегарачилар томонидан қўлга олинган.

Суд ҳукмига биноан К. Еленовга нисбатан икки миллион сўм миқдорда жарима солинди.

## «ЮК» МАНЗИЛГА ЕТМАДИ

Жиноят ишлари бўйича Узун туман суди Тожикистон Республикаси фуқароси Юсупбой Каримов устидан қўзғатилган жиноят ишини кўриб чиқди.

Судланувчи Душанбе шаҳрида жойлашган автомобиль эҳтиёт қисмлари бозори олдида бир шахсдан героин моддаси олган. Ю. Каримов оғини Сариосиё туманидаги чегара божхона масканидан яширинча олиб ўтиб, Узун тумани марказида сотаётган вақтида ушланган. Ундан олинган гиёҳвандлик моддасининг оғирлиги 979 граммдан ортиқни ташкил қилган.

Суд ҳукмига кўра, Ю. Каримов 13 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

## ЧЕГАРАНИ БУЗГАННИНГ ЖАЗОСИ

Жиноят ишлари бўйича Қўрғонтепа туман суди Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилган қирғизистонлик Камолиддин Абдураҳмановнинг жиноят ишини кўриб чиқди.

Бу фуқаро тахминан соат 23.30 да Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси Давлат чегарасидаги бетонли тўсиқларга тортилган, умумий нархи 927 минг 608 сўмлик 2900 метр тиконли симларни омбур ёрдамида қирқиб, талон-тарож қилган. У ўз бошқарувидаги «Дамас» русумли автомашинада келиб, қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига Қўрғонтепа туманининг «Чимён» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан ўтган Давлат чегараси орқали киради.

К. Абдураҳмановга нисбатан суд ҳукми эълон қилинди. Ҳукмга кўра, унга энг кам иш ҳақининг 75 баробари миқдорида жарима жазоси тайинланиб, «Дамас» автомашинаси ашёвий далил сифатида давлат фойдасига мусодара қилинди.

**Норали АСЛОН.**

*Муросасиз кечган ўйинларда Уйчи тумани ИИБ жамоаси барча рақибларни мағлубиятга учратиб мусобақанинг тенгсиз жамоаси деб топилди.*

ХОТИРА ТУРНИРИ

# МАЙДОНДА ИЧКИ ИШЛАР ХОДИМЛАРИ

**Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Тошкент вилояти ички ишлар идоралари шахсий таркиби ўртасида ўтказилган футбол турнири хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ходимлар хотирасига бағишланди. Унда вилоят ИИБ аппарати, мустақил бошқарма, бўлимлари ҳамда шаҳар-туман ИИБлари ходимларидан иборат жамоалар ғолиблик учун беллашди.**

Вилоят ИИБнинг «Динамо» ўйингоҳида ўтказилган турнирда барча жамоалар футболчилари бош соврин учун астойдил ҳаракат қилишди. Муросасиз баҳсларга бой бўлган мусобақанинг ҳал қилувчи – финал учрашувида вилоят ИИБ ҳамда Чирчиқ шаҳар ИИБ жамоалари майдонга тушди.

Айтиш жоизки, табиат инжиқлиги ҳам ўйин суръатини пасайтирмади. Аксинча, жамоалар бор имкониятларни ишга солиб, тўп суришди. Айниқса, вилоят ИИБ терма жамоаси вакилларининг шижоати футболчиларни илҳомлантирди.

Ўйин давомида ташаббусни қўлдан бермаган вилоят ИИБ терма жамоаси 3:1 ҳисобда ғалаба қозониб, мусобақа ғолиби бўлди.

Ғолиб жамоа ва турнирнинг турли номинацияларига муносиб деб топилган ходимларга бошқарманинг Фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари топширилди.

**Ўз мухбиримиз.**

*Тошкент вилояти.*

Наманган вилоятида Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ички ишлар тизимида хизмат бурчини ўташ чогида ҳалок бўлган ходимлар хотирасига бағишлаб футбол бўйича турнир ўтказилди. Унда вилоят ИИБ тизимидаги 24 та жамоа ғолиблик учун беллашди. Мусобақанинг очилиш маросимида вилоят «Динамо» ЖТСЖ стадионига тўпланган спортчилар ўтганлар хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб, ёд этишди.

Биринчиликнинг дастлабки босқич баҳслари иккита ҳудудда учтадан гуруҳга бўлинган ҳолда Наманган шаҳридаги «Динамо», Уйчи туманидаги «Пахтакор» ва Поп туманидаги «Дўстлик» ўйингоҳларида ўтказилди. Совринли ўринлар учун эса беллашув «Динамо» ўйингоҳида бўлиб ўтди.

Муросасиз кечган ўйинларда Уйчи тумани ИИБ жамоаси барча рақибларни мағлубиятга учратиб мусобақанинг тенгсиз жамоаси деб топилди. Вилоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими Поп қўриқлов-кузатув жамоаси иккинчи ҳамда бошқарма АВБСО жамоаси учинчи ўринларга сазовор бўлишди.

Шунингдек, номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди. «Энг яхши дарвозабон» вилоят ИИБ ШТБИХ катта инспектори, капитан М. Арслонов, «Энг яхши ўйинчи» Наманган шаҳар ИИБ тергов бўлими катта терговчиси, катта лейтенант А. Холмирзаев, «Энг яхши ҳужумчи» Уйчи тумани ИИБ бошлиғининг ШТБИ бўйича ўринбосари, майор О. Жўраев, «Энг яхши мураббий» вилоят ИИБ АВБСО командири, катта лейтенант Ғ. Сиддиқов, «Энг яхши ҳакам» биринчи тоифали ҳакам А. Ражаббаев, «Энг фаол жамоа» вилоят ИИБ ЁХБ жамоаси, «Ғалабага бўлган иштиёқи учун» вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальонига насиб этди.

Вилоят ИИБ ва «Динамо» ЖТСЖ томонидан ғолибларга Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар топширилди.



**Шавкатжон СОДИҚОВ, подполковник.**

**Суратда: мусобақа иштирокчилари.**

*Наманган вилояти.*

ФУТБОЛ

## АВВАЛ ТАИЛАНДДА, СЎНГ ЭРОНДА

***Футбол бўйича Ўзбекистон аёллар терма жамоаси 2010 йилги Осиё чемпионатининг ҳал қилувчи саралаш босқичида Таиланд ва Эрон вакиллари билан бир гуруҳдан жой олганлиги ҳақида хабар бергандик. Осиё футбол конфедерацияси беллашувлар санасини маълум қилди.***

Унга кўра, футболчиларимиз 4 июль куни мезбонлар – Таиланд терма жамоасига қарши тўп суришади. Орадан икки кун ўтгач, ўзбекистонлик қизлар Эрон термаси билан куч синашади. Ушбу учрашув ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Агар Роберт Гай шогирдлари ҳар иккала баҳсда ғолибликни қўлга киритса, Эрон – Таиланд терма жамоалари ўртасида бўлиб ўтадиган беллашув натижаси вакилларимиз учун ҳеч қандай аҳамият касб этмайди.

**Осиё кубоги – 2010 саралаш босқичи**

**4 июль**

Таиланд – Ўзбекистон

**6 июль**

Ўзбекистон – Эрон

**8 июль**

Эрон – Таиланд

ДУНЁ СПОРТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

### АНГЛИЯНИНГ ТАЖРИБАЛИ МУРАББИЙИ

«Манчестер Юнайтед» жамоасининг устози Сэр Алекс Фергюсон Англияда апрель ойининг энг яхши мураббийи, деб топилди. Шотландиялик 67 ёшли мутахассис учун бу соврин фаолияти давомидаги йигирма еттинчисидир. Ушбу йилда эса иккинчи маротаба сазовор бўлди. Бунгача у январь ойида ҳам тенгсиз, деб топилганди.

### ШАРАПОВА КОРТГА ҚАЙТАДИ

Россиялик ракетка устаси Мария Шарапова яқин орада кортга қайтиши маълум бўлди. У 18 май куни Варшава шаҳрида ўтказиладиган турнирда иштирок этади. Машҳур теннисчи елкасидан олган жароҳати туфайли ўн ойдан буён ўйнамаётган эди. Эслатиб ўтамиз, Мария 2008 йили дунёнинг биринчи ракетка устаси, деб тан олинган. Фаолияти давомида уч маротаба «Катта дубулға» туркумига кирувчи халқаро турнир ғолиби бўлган.

### МЕЗБОН МАМЛАКАТ МАЪЛУМ

Халқаро хоккей федерацияси 2014 йилда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига қайси давлат мезбонлик қилишини маълум қилди. Берилган овозлар натижасига кўра, Беларусь Республикаси 75 очко тўплаб ғалаба қозонди. Талабгорлар рўйхатида Венгрия, Латвия, Украина, Голландия мамлакатлари бор эди.

### ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ

Футбол бўйича Россия терма жамоаси 12 август куни Аргентина миллий терма жамоаси билан ўртоқлик учрашувини ўтказади. Унгача россияликлар 5 сентябрь куни «ЖЧ–2010» саралаш баҳсида Лихтенштейн, 9 сентябрда Уэльс терма жамоаси билан куч синашишади. 10 октябрда эса гуруҳнинг марказий учрашуви Россия – Германия баҳси бўлиб ўтади.

АҚЛ ЧАРХИ

**Ҳурматли газетхон, ақлингизни синаб кўринг-чи. Қуйидаги тахталарда оқлар бошлаб, иккинчи юришда қораларни мот қилади.**

**1)**



**2)**



**Жавобларингизни кутиб қоламиз.**

*Табриклаймиз!*

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги «Қўриқлаш» РБ алоҳида милиция батальони командири ўринбосари – штаб бошлиғи, капитан **Абдураҳмон ИШҚУЛОВ**ни таваллуд топган куни билан чин юракдан табриклаймиз. У кишига узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, хотиржамлик ва машаққатли хизматида улкан зафарлар тилаймиз. Ҳамиша омад ёр бўлсин!

**Батальон шахсий таркиби.**

### Янгисидан бор

Қароқчилар эшик қоқишмоқда.

– Ким у?

– Қўрқманг. Меҳмон эмасмиз.

* * *

Ўспирин етмиш яшар бувасининг ўтин ёраётганини анча вақт томоша қилиб тургач, деди:

– Сизга ачиниб кетаяпман, буважон. Жуда чарчадингиз, ҳамма ёғингиздан тер қуйиляпти. Сизнинг ўрнингизда бўлсам, сочиқни олиб, артиниб олардим.

* * *

Бир бадавлат, лекин хасис одам машина олаётиб, ҳар хил саволлар бераверив, сотувчини роса хуноб қилибди. Охири «бу машина қанча бензин тежайди» деб сўраган экан, сотувчининг энсаси қотиб «Бир қошиқ» депти.

– Чой қошиқми, ош қошиқми? – деб сўрармиш ҳалиги хасис.

СУРАТ БИЗДАН, ИЗОҲ СИЗДАН



## «БОСАРМИКАН ЧАНҚОҚНИ, ХЎЖАЙИНviolNИНГ ПИВОСИ»

**Газетамизниг 16-сонида берилган ҳазил-суратга мухлисларимиздан бир қанча мактублар олдик. Бу галги суратдан газетхонларимиз илҳоми жўшиб кетган кўринади, аксарият изоҳлар шеърий тарзда йўлланган. Анъанага содиқ қолган ҳолда уларнинг энг саралари билан таништирамиз.**

**Қашқадарё вилояти ИИБ ЖИЭБ тизимидаги муассаса тезкор вакили, капитан А. Гулматов** нақд ўнта шеърий тўртлик йўллабди. Шулардан бири қуйидагича:

*Муздеккина пивони,*
*Сичқонга алишмайман.*
*Пивохўрликда ҳатто,*
*Хўжамдан қолишмайман.*

**Хоразм вилояти Шовот туманида яшовчи Р. Қурбонбоев** А. Гулматовдан қолишмас экан. У бешта шеърий шаклдаги изоҳ юборибди. Эътиборингизга биттасини ҳавола этамиз:

*Қани энди хўжайин,*
*Ғазаги ҳам бўлсайди,*
*Қадаҳлар ярим бўлмай,*
*Пиволарга тўлсайди.*

**Тошкент вилояти Янгийўл тумани Халқобод қўрғонидан мактаб ўқитувчиси Э. Тургунованинг** ижод намунаси билан танишинг:

*Сичқон едим тўйиб-тўйиб,*
*Кўзларимни сузиб-сузиб,*
*Хўжайиним йўқлигида,*
*Пиво ичай қуйиб-қуйиб.*

**Тошкент вилояти ИИБ ЖИЭБга қарашли муассаса инспектори, кичик сержант И. Ҳакимов** қуйидагича фикр билдирибди:

*Барга кириб Бароқвой,*
*«Sarbast» пиво сўради,*
*Ичиб олиб шумтака,*
*Сичқонларни талади.*

**Термиз шаҳридаи Қ. Абдужалилов «Сичқондан қорним тўйди, пиводан қуйворинг», Зарафшон шаҳар ИИБ ЖИЭМ ҳайдовчиси А. Мингбоев** «Озгина ичиб олсам, кунинг битади сичқон!», **Сирдарё вилояти ИИБ ҲООБ ходими Р. Убайдуллаев** «Сичқон операцияси» жуда яхши тугади, буни ювсак ҳам бўлади», **Тошкент шаҳридан А. Абдуллаев** «Ҳурматли мушуклар, яқин орада катта пивохона очаман, сизлар биринчи мижозларим бўласизлар», деб фикр билдиришибди.

Шунингдек, **Навоий вилояти ИИБ навбатчилик қисми ходими, сержант Ш. Эгамбердиев, Учқудуқ тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими милиционери, сафдор Б. Ширинов, Қашқадарё вилояти ИИБ ЁХБ 2-ҲЁХО инспектори, кичик сержант О. Шербоев, Навоий вилояти Учқудуқ тумани ИИБ ҲООБ профилактика инспектори, катта сержант А. Зиёдинов, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ИИБ ҲООБ профилактика инспектори, капитан Б. Абдураҳмонов**лардан ҳам изоҳлар олдик. Қимматли вақтини аямай, ҳазил-суратга ўз муносабатини билдирган муштарийларимизга миннатдорлик билдирамиз.

ҲАЁТ СЎҚМОҚЛАРИДА

# ЎЗГА ҲИСОБИДАН «МЕҲР» КЎРСАТИБ...

Хонага важоҳат билан кириб келган қизи Сожиданинг аламли нигоҳига кўзи тушган Наргиз хола ўрнидан жилмади. Унга хотиржам, синчковлик билан тикилди.

– Буни қаранг, ойижон, айтганларим тўғри чиқди. Севимли келинингизнинг қўли эгри экан. Бунга яна бир бор амин бўлдим. Намунча унинг тарафини оласиз? Ахир нарсаларимни тап тортмай кийиб юрибди-ку!

– Жон қизим, ўзингни бос. Бугун бу ҳақда гапирма. Байрамни хурсандчилик билан ўтказайлик. Уйда холанг бор, унинг олдида мени уятга қўйма!

Сожида ойисининг жавдираган кўзларига тикилиб турди-да, ҳовридан тушди. Ўзини бироз босиб олиб, бошқа хонага чиқиб кетди. Наргиз хола қизининг тинчиганидан бироз хотиржам бўлди.

Уч-тўрт кундирки, холанинг ороми бузилган. Қизи Сожида хориждан келгандан буён катта бир дард ичини кемиради. Бир фожиа юз беришини билгандек юрагини ҳовучлайди. Турли гумонлар дилини тилка-пора қилади.

«Ўғриликка ким қўл урди экан? Наҳотки, фарзандларим шундай иш қилишса, қизимнинг тўрт йилдан буён пешона тери билан топган мол-мулкига кўз олайтиришса?! Ёки келинимнинг ишими бу? Бўлиши мумкин эмас. Келиним Лайлихон беш йилдан буён хизматимни ҳалол қилиб юрибди. Кийим-кечакка, пулга бефарқ эмасу, лекин бировнинг нарсасига кўзини олайтирмайди».

... Сожида хорижда ишлаб уйига мунтазам гоҳ пул, гоҳ турли кийим-кечак, харидоргир моллар, атир-упа юбориб турди. У эридан ажрашган бўлиб, алоҳида уй сотиб олиш мақсадида хорижда узоқ муддат ишлади. Онаси у юборган молларни алоҳида хонада сақларди. Келини борлиги учун баъзан уй очиқ қолиб кетса ҳам у эътибор бермасди. Нохушлик рўй бериши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаганди.

Хориждан келган қизи хонага кириб, юборган нарсаларнинг кўпчилиги йўқлигини айтганда холанинг ранги ўчди. Ҳисоб-китоблар у ердаги қарийб 1 млн 664 минг сўмлик буюмнинг гумдон бўлганлигини кўрсатганда аҳвол жиддийлигига амин бўлди. Келини Лайлихоннинг кийим-кечаклари ҳозир урф бўлганлари билан алмашганлиги, уйда замонавий чойшабларнинг пайдо бўлиши бу ишда унинг қўли борлигига шубҳа туғдирарди. Байрам арафасида бетоб бўлиб ётиб қолган келинининг эгнида ўзи юборган ички кийимни кўрган Сожида ўзини ниҳоят тута олмади. Юрагидаги бор гумонларини онасига тўкиб солганди.

Буни қарангки, Наргиз холанинг байрамни тинч, хурсандчилик билан ўтказиб олайлик, дегани акси бўлиб чиқди. Шу куни кеч 21. 00 ларда Сожиданинг хориждан юборган мол-мулклари сақланадиган хонага ўт кетди. Лайлихон ўғриликка қўл урганлигини уйдагилар билиб қолиб, асосий гумондор у эканлигини англаган, қинғирлигини хаспўшлаш мақсадида хонани ёқиб юборганди.

Ўйламай қилинган иш бошга ташвиш келтириши шубҳасиз. Яна бир хатони хаспўшлаш иккинчиси учун доя бўлиши ҳам аниқ. Келиннинг бу қилмиши қайнопага энди 1 млн 480 минг сўмлик моддий зарар етказди.

Келин қайнопасининг харидоргир молларини сотиб пуллагандир, дерсиз. Йўқ, Лайлихон уларни фарзандлари ва турмуш ўртоғига, опа-сингил, қариндош-уруғ, ҳатто қўни-қўшниларга совға қилган. Бу билан уларнинг эътиборини қозонган, гўёки «меҳр» кўрсатган.

Лайлихон бу қилмиши билан аввало, ўзининг оиласи, фарзандлари, яқинлари олдида уятга қолди. У Сожидага етказган кўп миқдордаги моддий зарарни ота-онаси, яқинлари ёрдамида қоплаши мумкин. Лекин шунда ҳам унинг юзи ёруғ бўлармикан?

**Рўзигул ЙЎЛДОШЕВА.**

*Бухоро вилояти.*

***Шошилинч тез тиббий ёрдам кўрсатиш маркази шифокору ҳамширалари тунни бедор ўтказдилар. Боиси, хонадонларнинг бирида содир бўлган ёнғин оқибатида оғир жароҳат олган болакайнинг ҳаётини асраб қолиш зарур эди. Шифокор махсус жиҳоз орқали нафас олаётган болакайга навбатдаги дармонни юборди. Навбатчи ҳамшира бундай беморларни кўп кўрса-да, кичкинтойга раҳми келганидан туни билан кўз ёш тўкиб чиқди.***

# СЎНГГИ ПУШАЙМОН

Шифохонанинг узундан-узун йўлагида турган она изтироб ва пушаймонликдан кўз ёшларини тўхтата олмасди. Яратгандан жигарпорасига умр тилаб, дуо қилмоқда.

Эндигина жонлантириш бўлимидан чиққан шифокорга юзланган она унга зорланди:

– Илтимос, боламнинг ҳаётини сақлаб қолинг!

Шифокор жимгина аёлга тикилдию, ичини кемираётган аламни ютишга ҳарчанд уринмасин, дилидаги тилига кўчди:

– Унинг ҳаёти ҳақида эртароқ ўйлаш керак эди...

– Айбдорман дўхтир, қанча койисангиз ҳам розиман. Фақат болам омон қолса бўлди.

– Биз фақат қўлимиздан келганини қиламиз.

Шифокор хонаси томон кетар экан, аёлга қаттиқ гапириб юборганини тушуниб етди. Кичкинтойнинг аҳволига ачиниб шундай дегани учун ўзини айблагиси келмади. «Ахир, нега эндигина беш ёшга тўлган фарзандини ёлғиз уйда қолдириб кетади. Лоақал қўшниларга ташлаб кетиши мумкин эди-ку!» деди ўзига-ўзи.

... Нафосат эртага танишиникида бўладиган тўйни ўйлаб боши қотди. Қачон янги кийим сотиб олади-ю, қачон сочини турмаклатади?! Ўзига оро бериб юришга одатланган аёл ухлаб ётган ўғлининг уйғонишини кутди. Аксига олиб, бола ширин уйқудан уйғонавермади. «Ҳозир туш вақти. Бобур яна бир-икки соат ухласа керак, унгача етиб келарман», деди-да кетишга тараддуд кўрди.

Нафосат қўшниларга уйининг калитини қолдириб, боласидан хабар олиб туришликни ҳам айтмай, шошилганча кўча томон юрди. Аксига олиб, гўзаллик салонида аёллар кўп эди. У навбати келгунича кутишга қарор қилди. «Ўғлим уйғониб қолса, одатдагидек музлатгичдан колбаса олиб, еб ўтира турар», деб ўйлади.

Болакай уйғониб қараса, уйда ҳеч ким йўқ. «Ойи... Ойижон», дея бир-икки чақирган Бобуржон йиғлаб, чарчади. Қорни очгани боис, музлатгичдан колбаса олиб, бутунича тишлаб ея бошлади. Қорни тўйгач, онасини кутиб, эшикка тикилганча ўтираверib зерикади. Ошхонага кириб, стол устида турган гугуртни олади-да, бир дона чўпни ёқиб кўради. У бу ҳолатни тез-тез такрорлаб, ёниб улгурмаган чўпларни ҳар ёққа ирғита бошлайди. Гиламга илашган чўғдан аста тутун чиқа бошлайди. Бу ҳолат жажжи Бобуржонга бегона бўлгани учун чўчиб, қўшни хонага беркиниб олади. Ўз хонасига кириб, ўйинчоқлари билан овунади...

Қўшнилар атрофга таралаётган ачимсиқ тутундан хушёр тортишди. Тутун Нафосатнинг уйидан чиқаётганлигини кўришади. Шу пайт эса ичкаридан боланинг йиғлаган овози эшитила бошлади. Қўшнилар иккинчи қаватда жойлашган хонадоннинг темир эшикларини тақиллата бошладилар. Улар ҳарчанд уринишмасин на темир эшикни, на деразага ўрнатилган панжарани бузишга кучлари етди. Шунда қўшнилардан бири «01»га қўнғироқ қилди. Ўт ўчирувчилар темир панжараларни тезкорлик билан кесаётган бир пайтда ичкарида енгил портлаш содир бўлди. Ўт ўчирувчи йигитлардан бири ҳаётини хавф остига қўйиб, ичкарига отилди. Бир оздан сўнг оғир жароҳат олган Бобуржонни кўтариб чиқаркан, ҳамма даҳшатдан қотиб қолди. Тез ёрдам машинаси сиренасини чалиб бораётган бир пайтда ўзига оро берган Нафосат кўча бошида пайдо бўлди-ю, вазиятни англаб, ҳушидан кетди.

... Нафосат шифокорлар саъй-ҳаракати билан омон қолган боласини кўриб, ўз чиройини ўйлаб, жигаргўшасининг ниҳол вужудига чексиз азоб бергани учун аччиқ-аччиқ йиғларди. Хатосини англагани сари юраги эзиларди. У ҳамма нарсадан, гўзаллигу латофатидан фарзанди азиз эканлигини тушуниб етган эди.

**Адолат АБДИЕВА, капитан.**

*Фарғона вилояти.*

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ЖҚ ва УЖҚКБ катта тезкор вакили, майор Шуҳрат Умурзаковга фарзанди

**Севдо УМУРЗАКОВАнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Хоразм вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, полковник Юсуфбой Авазметовга волидаи муҳтарамаси

**АЙМАН аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

# БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН



Қўрғонтепа тумани ИИБ томонидан **Мамир Абдуназарович ЮЛДАШЕВ** бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда. У 1965 йил 11 октябрда туғилган. Қўрғонтепа тумани Маъмиробод қишлоғи Ўзбекистон кўчасида яшаган. 2005 йил 24 апрель куни уйидан номаълум томонга чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 170-175 см, ўртача гавдали, юзи юмалоқ буғдой ранг, сочига оқ оралаган, кўзлари қисиқ жигарранг, қошлари қора қалин, қирра бурун, қулоқлари ўртача катталикда.

**Алоҳида белгиси:** пешонасининг ўнг томонида жароҳатдан қолган билинар-билинмас чандиғи бор.

**Юқорида исм-шарифи зикр этилган шахсни кўрган ёки у ҳақда бирор маълумотга эга фуқаролардан Қўрғонтепа тумани ИИБ ёхуд яқин ўртадаги ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

# ШАХСИ АНИҚЛАНМОҚДА

2009 йил 25 март куни соат 17.30 ларда Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани Янги ҳаёт маҳалласи ҳудудидан оқиб ўтувчи Шаҳрихонсой каналидан Европа миллатига мансуб, ёши тахминан 55-60 ларда бўлган, ташқи кўринишидан тан жароҳатисиз, эркак кишининг жасади топилган.

**Белгилари:** бўйи 170-175 см, гавдаси ўртача, сочи сийрак оқ оралаган, қулоқлари ўртача катталикда, тишлари йўқ.

**Алоҳида белгилари:** корин қисмининг пастки ўнг томонида кўричак жарроҳлигидан қолган 3-4 см. катталикдаги чандиғи, оёқларининг болдир қисмидан пастроғида тошма яралар мавжуд.

**Кийимлари:** қора костюм, кўкрак қисмида чўнтаклари бор қора қалин кўйлак, чап кўкрак томонида «Wrangler» ёзувли оқ водолазка, кулранг қалин иштон, қора қалин жинси шим, қора пайпоқ, «Jingta» ёзувли, таг қисми қалин резина ботинка кийган.

**Шахси аниқланаётган шахснинг яқинлари, у ҳақда бирор маълумотга эга бўлганлар Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани ИИБ ёки яқин ўртадаги ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

* * *

2005 йилнинг 9 июнь куни Зангиота тумани «Қатортол» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан ўтувчи Бўзсув каналидан тахминан 45-50 ёшлардаги, Осиё миллатига мансуб эркак кишининг жасади топилган.

**Белгилари:** бўйи 165-170 см, қиррабурун, сочи қора, лаблари қалин.

**Кийимлари:** жигарранг шимда бўлган.

* * *

2006 йилнинг 27 сентябрь куни Зангиота тумани «Хонобод» қишлоқ фуқаролар йиғини «Қорасув» фермер хўжалиги даласидан тахминан 75-80 ёшлардаги, Европа миллатига мансуб эркак кишининг жасади топилган.

**Белгилари:** бўйи 160-165 см, сочи оқарган, шалпангқулоқ.

**Кийимлари:** қора шим, кўк катак кўйлакда бўлган.

* * *

2004 йилнинг 9 октябрь куни Зангиота тумани Мустақиллик кўчасидан оқиб ўтувчи Қорақамиш каналидан тахминан 35-40 ёшлардаги, Европа миллатига мансуб аёл кишининг жасади топилган.

**Белгилари:** бўйи 160-165 см, қиррабурун.

**Кийимлари:** яшил плаш, яшил юбкада бўлган.

* * *

2004 йилнинг 12 сентябрь куни Зангиота тумани Пўлатов кўчасидан оқиб ўтувчи Қонкус каналидан тахминан 25-30 ёшлардаги, Осиё миллатига мансуб эркак кишининг жасади топилган.

**Белгилари:** бўйи 170-175 см, қиррабурун, сочи қора, қулоқлари ўртача, лаблари қалин.

**Кийимлари:** қора футболка, қора шим, қора туфлида бўлган.

* * *

2004 йилнинг 16 май куни Зангиота туманидаги Бўзсув каналидан тахминан 35-40 ёшлардаги, Европа миллатига мансуб аёл кишининг жасади топилган.

**Белгилари:** бўйи 160-165 см, юзи чўзинчоқ.

**Кийимлари:** кўк пайпоқда бўлган.

* * *

2004 йилнинг 30 июль куни Зангиота тумани Олмос маҳалласидан тахминан 35-40 ёшлардаги, Европа миллатига мансуб эркак кишининг жасади топилган.

**Белгилари:** бўйи 165-175 см.

**Кийимлари:** кўк шим, пуштиранг кўйлакда бўлган.

**Алоҳида белгилари:** ўнг елкасида аёл, чап қўлининг кафтида «М» ҳарфи туширилган татуировка бор.

* * *

2006 йилнинг 28 май куни Зангиота туманидаги Платина сув тақсимлаш тўғонидан тахминан 60-65 ёшлардаги аёл кишининг жасади топилган.

**Белгилари:** бўйи 160-165 см.

* * *

2006 йилнинг 4 ноябрь куни Зангиота тумани «Назарбек» кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан тахминан 30-35 ёшлардаги, Осиё миллатига мансуб эркак кишининг жасади топилган.

**Белгилари:** бўйи 165-175 см, сочи қора.

**Кийимлари:** қора шим, кўк катак кўйлакда бўлган.

**Юқоридаги шахси номаълум кимсаларни таниган, улар ҳақида бирор маълумотга эга фуқаролар Зангиота тумани ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**



# БЕГОЙИМ



**Иккинчи жаҳон урушидаги энг сўнгги отишмалар саси ўчганига ҳам олтмиш йилдан ошди. Лекин унинг кино тасмаларига муҳрланган даҳшати-ю, сатрларга битилган ваҳшатини ҳали ҳамон ҳис қилиб турамиз. Шафқат ҳамшираларининг жанг майдонидаги мардонаворликларини киноларда кўриб, китобларда ўқиб улгайган Розиянинг кўнглида ҳамшираликка бўлган ҳавас эрта уйғонди.**

## ҲАВАСДАН УЙҒОНГАН ОРЗУ

Ўрта мактабни битирган Розия синфдошлари каби қайси касбни танлаш устида бош қотириб ўтирмади. Чунки у аллақачон ҳамшира бўлишга аҳд қилиб қўйган эди. Шунга қарамай отасининг олдидан ўтиш, унинг розилигини олишни дилига тугиб қўйди. Лекин ҳадеганда мавриди келавермади. Мавриди бўлганда эса, юраги дов бермади. Ниҳоят бир куни отасига шаҳодатномани кўрсатиш, шу баҳона ниятидан бохабар қилишга жазм этди.

Менгли ака қизининг ўрта мактабни аъло баҳоларга тугатганлиги ҳақидаги шаҳодатномани кўздан кечираркан, юзида мамнунлик зоҳир бўлди. У савол назари билан Розияга қаради. Отасининг ўткир нигоҳидаги савол аломатини англаган Розия дадиллик билан ўз қарорини айтди. Бироз ўйланиб турган отаси: «Ҳар қалай баҳоларинг яхши экан, Термизга бориб биронта олийгоҳга кирганинг маъқулмиди», деди. Аммо кўзларини қизининг ҳадик соя солган ширмой юзларига қадаган Менгли ака далда берган бўлди.

– Қизим, касбнинг яхшиёмони бўлмайди. Мана, онанг иккимиз оддий ишчи бўлсак-да, етти фарзандни оқ ювиб, оқ тарашга интилдик. Шукр, ҳаммангиз ақллихушли бўлиб ўсаяпсизлар. Агар сен ҳам ўзинг меҳр қўйган касбга содиқ бўлсанг, эл ичида обрў-эътибор топасан.

Отасининг далдасидан боши осмонга етган Розия эртасигаёқ ҳужжатларини Шеробод тиббиёт коллежига топширди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, болаликдаги ҳаваси қатъий орзуга айланган Розия коллеждаги энг аълочи ўқувчилар сафидан жой олди. У Нодира, Каромат ва Фароғат опа каби устозлари бераётган сабоқларни жон қулоғи билан тинглаб, билим ва кўникмаларини кун сайин ошириб борди. Энг муҳими, ҳамширалик иши нафақат буюрилган вазифаларни бажариш, балки шифокор қабулига келувчилар билан мулоқотда бўлиш, беморларни парвариш қилиш, уларга меҳр кўргазишдан иборат эканлигини англаб етди.

2000 йилда Тиббиёт коллежини имтиёзли диплом билан тамомлаган Р. Каримшоевага Сурхондарё вилояти Шеробод тумани шифохонасига йўлланма беришди. Болалар бўлими ҳамшираси сифатида иш бошлаган ходима устозларидан беморлар, айниқса, ёш болалар билан муомала қилиш сирларини кунт билан ўрганди. Орадан олти йил ўтгач Р. Каримшоева фаолиятида янги саҳифа очилди. 2007 йилда Р. Каримшоевани ИИВ Академияси тиббиёт хизматига ҳамшира сифатида ишга қабул қилишди. Беморларни парвариш этишнинг саксон фоизи ҳамширалар зиммасига юклатилишини юракдан ҳис қилган Розия ўз вазифасига сидқидилдан ёндашди. Ҳозирда у подполковник Ф. Болтаходжаев, капитан К. Қурбонов каби устозларидан тиббий хизмат кўрсатиш маданиятини кунт билан ўрганмоқда.

Сержант Р. Каримшоева ўз устида тинимсиз ишлайди. Тиббий билимларни эгаллаш, мутахассислик сирларини ўрганишга астойдил интилади. У Ички ишлар вазирлигининг хизмат фаолиятига тааллуқли йўриқномалари, буйруқларни изчиллик билан ўрганади ва улардан кундалик фаолиятида фойдаланади.

Бир сўз билан айтганда, ҳавасдан уйғонган орзуси ушалган сержант Р. Каримшоева бир пайтлар отаси башорат қилганидек, эл ичра обрў-эътибор топиб, жамоа ҳурматини қозонаяпти.

**Темур ҚУРБОНОВ, подполковник.**

## Ёшларга қувонч улашиб

**Иқбол Шамаева республика ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларида хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати йўналиши бўйича таҳсил олди. Олий курсда олган билимларини амалиётда қўллашда Академияда устоз-мураббийлардан олган ўгит ва йўл-йўриқлари унга жуда қўл келяпти.**

**Айни кунда Термиз шаҳар ИИБ ХЧК ва ФРБ катта инспектори сифатида фаолият кўрсатаётган кичик сержант Иқбол Шамаева ўз касбидан, илк бор фуқаролик паспорти олаётган ёшлар қувончига шерик бўлишдан фахр ҳиссини туяди.**

**Умида БОЛЛИЕВА.**

Суратда: *кичик сержант И. Шамаева.*

**Э. ТЎЛЯЕВ олган сурат.**

*Сурхондарё вилояти.*



СУВРАТ ВА СИЙРАТ

## ҚИЁФАНГИЗ СИЗ ҲАҚИНГИЗДА...

**Кишилар одамнинг қандай характерга эгалигини маълум белгилар ёрдамида билишга у ёки бу тарзда интилиб келишади. Албатта, ҳамма ҳам ташқи кўриниши, ўзини тутиши, муомаласи орқали кишида илиқ таассурот уйғотишни истайди, ички дунёсини ошкор қилавермайди. Лекин айтишларича, ҳар бир инсонга унинг феъл-атворидан келиб чиқиб ташқи кўриниш ато қилинар экан. Кўзингиз, қошингиз, юзингиз, умуман чеҳрангиз ички оламингизга монанд бўлишини биласизми? Унда қуйидаги кузатувларга эътибор қилинг. Албатта, булар қатъий хулосалар эмас, оддий кузатишлар холос.**



### КЎЗИНГИЗДА СЕҲР БОР, СИР БОР

Ўй-тафаккурли, соғлом фикрга эга кишиларнинг кўзи доирасимон ва ўртача катталикда бўлади. Кўзи косасидан бўртиб чиққан одамлар хаёлпараст, ёлғончидир. Кўзи у қадар қисиқ бўлмаган одамлар кўпинча шафқатсиз ва ҳасадгўй бўлади. Порлаб турувчи қора кўз соҳиблари эса жисмонан кучли иродали ва меҳнатсевар кишилардир. Қўй кўзлилар ҳалол, қаноатли бўлишади. Совуққон, ўта босиқ кишиларнинг кўзи оқиш кўк бўлади. Кўзнинг оқи қизил чизиқлар билан қопланиб, сарғиш рангда бўлса, бу кўз эгалари тартибсиз ҳаёт кечиришади.

### ҚОШИ ЁСИНМУ ДЕЙИН...

Қалин қора ва қаттиқ қошлар қайсарлик, сержаҳлликдан далолат беради. Бундай қошли кишилар бир қарорга келишга қийналади. Жониворларни, табиатни, шеъриятни севувчи нозик табиатли кишиларнинг қоши ингичка бўлади. Сийрак ўсган қош эгалари рашкчи, кек сақловчидир. Ўсиб кетган қуюқ қош соҳиблари эҳтирос чегарасини билмайдилар. Туташиб кетган қош эгасининг характери ўзгарувчан ва содда кишилардир. Ёйсимон, узун қошлар изланувчанлик, нозик дидлиликдан далолат беради. Қисқа бир-биридан узоқлашган қошлар сахийлик, дилкашлик белгиси. Аммо бундай инсонлар характери бироз инжиқликдан холи эмас.

### КИПРИКЛАРИНГ НАЙЗАДЕК...

Қуюқ, узун, найзасимон киприклар хаёлпарастлик, нозик табиатлилик рамзидир. Сийрак ва узун киприк эгалари одобли, ақлли, аммо бир оз бепарвороқ бўлишади. Узун қайрилма киприклар манфаати йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган, ишнинг кўзини биладиган кишиларда учрайди.


ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабига 18 ёшдан 30 ёшгача бўйи 170 см. дан кам бўлмаган (аёллар 165 см. дан кам бўлмаган), қонунда белгиланган тартибда Қуролли Кучлар сафида хизмат қилган, камида ўрта ва ўрта-махсус маълумотга эга бўлган, соғлом ва руҳий жиҳатдан ички ишлар идоралари сафида хизмат қилишга лаёқатли Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг Қибрай, Зангиота, Янгийўл, Тошкент ва Ўртачирчиқ туманларида муқим яшайдиган фуқаролар танлов асосида ишга қабул қилинади.

**Маълумот учун телефонлар:**
231-44-39, 234-65-49.
**Манзил:** Тошкент шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси 23-уй.
**Мўлжал:** Мустақиллик майдони.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСББ Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини қўриқлашни таъминлаш бўйича Алоҳида милиция батальонига 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган, бўйи 175 см.дан кам бўлмаган, Қуролли Кучлар сафида хизмат ўтаб келган, камида ўрта маълумотга эга бўлган, соғлом, Тошкент шаҳри, Тошкент вилоятининг Зангиота, Янгийўл, Тошкент, Қибрай ва Ўртачирчиқ туманларида муқим яшаш жойига эга бўлган шахслар танлов асосида ишга қабул қилинади.

**Маълумот учун телефонлар:**
232-62-09, 231-48-07, 239-88-41.
**Манзил:** Чилонзор тумани, Олмазор мавзеси 17-уй.
**Мўлжал:** Бешёғоч майдони, Муқимий театри.



ISSN 2010-5355

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI**

MUASSIS: **O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI**

Bosh muharrir o'rinbosari **Aleksandr VORGUDYAYEV**

Mas'ul kotib – **Rahmatilla BERDIYEV**
Navbatchi – **Azizjon FAYZIYEV**
Sahifalovchi – **Zokir BOLTAYEV**
Matn ko'chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

**TELEFONLAR:** 231-30-40; 231-33-88; **Faks:** 232-05-51.
**E-mail:** postda08@mail.ru

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart.
Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik innovatsion tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi. INN 200637499.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-7407. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 57272 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.

**MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.**